



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 28 октябрь, № 221 (9116)

Сешанба

Сайтимиға ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АҚШ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев
АҚШ Президентининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича махсус вакили
Сержио Гор бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Учрашувда АҚШ Давлат котибининг ўринбосари Кристофер Ландау ва бошқа расмий шахслар ҳам иштирок этди.

Ўзбекистон — АҚШ стратегик шериклик муносабатларининг жорий йил 23 сентябрь куни Нью-Йорк шаҳрида олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Учрашув аввалида Сержио Гор давлатимиз раҳбарига АҚШ Президенти Дональд Трампнинг саломи ва самимий тилаklarини етказди.

Жадал сиёсий мулоқот, турли даражалардаги алмашинулар ва фаол ишбилармонлик алоқалари йўлга қўйилгани мамнуният билан қайд этилди. Товар айирбошлаш ҳажми ортмоқда, октябрь ойи бошида АҚШ Савдо палатаси делегациясининг ташрифи муваффақиятли ўтди.

Қабул қилинган "Йўл харитаси" асосида sanoat, молия, муҳим минераллар, энергетика, рақамлаштириш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа устувор йўналишлардаги лойиҳаларни илгари суриш долзарблиги таъкидланди.

Томонлар хавфсизлик, терроризм ва экстремизм, ноқонуний миграцияга қарши курашиш соҳаларида шерикликни мустаҳкамлаш масалаларини ҳам муҳокама қилдилар.

Глобал ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Бўлажак тadbирлар режаси, шу жумладан, келгуси ҳафта Вашингтон шаҳрида "CS+1" форматидagi саммитни ўтказиш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

СЕРБИЯ ПРЕЗИДЕНТИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан
Сербия Республикаси Президенти Александр
Вучич 28 — 31 октябрь кунлари расмий
ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф дастурига мувофиқ, Тошкент шаҳрида олий даражадаги музокаралар ўтказилади, уларда Ўзбекистон — Сербия кўп қиррали ҳамкорлигини янада ривожлантиришнинг истиқболлари муҳокама қилинади.

Машинасозлик, агросаноат, фармацевтика, ахборот технологиялари, рақамлаштириш, туризм ва бошқа муҳим йўналишларда шерикликни мустаҳкамлаш масалалари диққат марказида бўлади.

Тартибли меҳнат миграция-

си, маданий-гуманитар ва таълим соҳаларидаги ҳамкорликнинг жорий ҳолати ва истиқболлари кўриб чиқилади. Халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилади.

Музокаралар якунида икки томонлама битимлар тўпламини имзолаш кўзда тутилган.

Александр Вучич фахрий меҳмон сифатида шу ҳафта Самарқанд шаҳрида бошланган ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессиясида ҳам иштирок этади.

ГЕОЛОГИЯ СОҲАСИГА ИЛҒОР ХАЛҚАРО ТАЖРИБА ВА КОМПЕТЕНЦИЯЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев геология соҳасига илғор
халқаро тажриба ва компетенцияларни жорий этиш
юзасидан тақдирот билан танишди.

Йиғилишда мамлакатимиз геология тизимини замонавий илмий ва технологик асосда ривожлантириш, қазилма бойликлар бўйича ресурс базасини кенгайтириш ҳамда минерал хомашёни чуқур қайта ишлашни таъминлаш долзарб вазифа экани таъкидланди.

Дунё тажрибаси геология-қидирув ишларини ўтказиш мураккаб бўлган ҳудудларда ҳам сунъий интеллект ёрдамида янги конларни аниқлаш мумкинлигини кўрсатяпти. Бу борада регион ал тадқиқотларни кенгайтириш ва замонавий геофизик усуллардан фойдаланиш қўл келади.

Шу мақсадда мутасаддилар халқаро ҳамкорлар, шу жумладан, кон-геология соҳасида дунёда илғор бўлган АҚШнинг Колорадо кончиллик мактаби билан биргаликда илмий тадқиқот ва амалий ишланмаларни бирлаштирувчи замонавий Компетенциялар марка-

зини ташкил этиш лойиҳаси тўғрисида ахборот берди.

Марказнинг асосий вазифалари қидирув ишларига рақамли ечимлар, сунъий интеллект ва аэро-геофизик технологияларни жорий этишдан иборат бўлади. Илғор хорижий тажрибага асосланиб, маълумотларни рақамли шаклда таҳлил қилиш, геоинформацион ва космогеологик тадқиқотлар натижаларини интеграциялаш ҳамда истиқболли конларни аниқлашни тезлаштиришга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари таклифларни маъқуллаб, тармоқда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва замонавий технологияларни кенг жорий этиш орқали истиқболли майдонларни аниқлаш ва ўзлаштиришни ташкил этиш юзасидан қатор топшириқлар берди.

ЎзА.

КЕЛГУСИ ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ЛОЙИҲАСИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

27 октябрь куни Президент Шавкат Мирзиёев
хузурида бўлиб ўтган кенгайтирилган
йиғилишда жорий йилда иқтисодиётда
кутиладиган натижалар ва 2026 йил учун
мўлжалланган асосий макроиқтисодий
кўрсаткичлар муҳокама қилинди.

Жорий йилнинг январь — сентябрь ойларида иқтисодиётимиз прогноздан анча юқори суръатда — 7,6 фоизга ўсди. Саноат ҳажми 6,8 фоиз, қурилиш — 14,2, хизматлар — 14, қишлоқ хўжалиги 4,1 фоизга ошди.

Олтин-валюта захиралари ўтган йилдагига нисбатан 35 фоизга кўпайиб, 55 миллиард долларга етди. Нуфузли халқаро рейтинг агентликлари мамлакатимиз иқтисодий истиқболларини юқори баҳоламоқда. "Fitch Ratings" илк бор мамлакатимиз суверен рейтингини бир поғонага оширган бўлса, "Moody's" ва "S&P Global" ўз кутилмасини "барқарор"дан "ижобий"га ўзгартирди.

Энг муҳими, эришилган натижалар аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилаяпти, — деди давлатимиз раҳбари.

Аҳоли даромадлари 18,4 фоизга, омонатлар 35,3 фоизга, ўртача иш ҳақи эса 19,2 фоизга ўсди. Сўровлар аҳоли ва бизнес ўртасида ишонч муҳити кучайганини, янги иш ўринлари ва даромад манбалари кенгаётганини кўрсатмоқда.

Президент юқори ўсиш суръатларини йил якунигача сақлаб қолиб, ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 135 миллиард доллардан ошириш иқтисодий комплекснинг асосий вазифаси бўлишини қайд этди.

Танқидий руҳда ўтган йиғилишда келгуси йил учун асосий режалар кўриб чиқилди.

Мутасаддилар 2026 йилда ўсиш суръатини 6,6 фоиз даражасида таъминлаб, ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 150 миллиард доллардан ошириш, иқтисодиётга барча манбалардан камида 400 триллион сўм йўналтириш, инфляцияни 7 фоиздан ортқ бўлмаган даражада сақлаб қолиш башорат қилингани юзасидан ахборот берди.

Президентимиз бу режаларга эришиш учун барча имконият ва шароит мавжудлигини таъкидлаб, ҳар бир

вазирлик, тармоқ ва ҳудуд раҳбарлари жиддий эътибор қаратиши зарур бўлган муҳим масалаларни кўрсатиб ўтди.

2026 йилги бюджет лойиҳасида асосий солиқ ставкалари ўзгаришсиз қолаётган шароитда бюджет даромадларини изчиллик билан ошириб бориш, шу билан бирга, харажатлар қисмининг самарали сарфланиши устидан қатъий назорат ўрнатиш шартлиги қайд этилди.

Таъкидланганидек, келгуси йилда харажатларни кескин қисқартириш ва самардорликни ошириш барча даражадаги раҳбарлар учун асосий мезон бўлади.

Бунда стратегик тармоқларда таннархни камайтириш ва рақобатбардошликни ошириш, хусусий сектор иштирокини кенгайтириш, давлат иштирокидаги корхоналарнинг дивиденд сиёсатини тартибга солиш, субсидия ва имтиёзларнинг натижадорлигини таҳлил қилиб, самараси паст бўлганларини бекор қилиш, "яширин иқтисодиёт" улушини қисқартириш, туман ва шаҳар бюджетларининг даромадларини кўпайтириш борасидаги ишларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Халқаро молия ташкилотлари маблағлари иштирокидаги лойиҳаларни жаддаллаштириш, бундан бун мавжуд лойиҳаларни охирига етказибгина янги лойиҳаларга ресурс жалб қилиш тизимига ўтиш зарурлиги қайд этилди.

Вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларида тўпланган қолдиқнинг ярмини алоҳида жамғармага ўтказиш ва ушбу маблағларни мактаблар қурилишига ва тиббиётга йўналтириш топширилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалардан келиб чиқиб 2026 йилги Давлат бюджети лойиҳасининг асосий йўналишлари белгилаб олинди.

ЎзА.

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Олий Мажлис Сенатида "Ўзбекистон — Саудия" ва "Саудия — Ўзбекистон" парламентлараро ҳамкорлик гуруҳларининг қўшма мажлиси он-лайн шаклда ўтказилди.

Мулоқот

Унда Ўзбекистон ҳамда Саудия Арабистони ўртасидаги муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари, парламентлараро алоқаларни чуқурлаштириш, савдо-иқтисодий, инвестициявий, энергетика, IT, таълим ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни кен-

гайтириш масалалари муҳокама марказида бўлди. Қайд этилганидек, Ўзбекистон ва Саудия Арабистони ўртасидаги кўп қиррали муносабатлар икки давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси ва қатъияти тубайли изчил ривожланиб бормоқда. Сўнгги йилларда ўтказилган олий даражадаги учрашувлар ва таш-

рифлар стратегик шерикликни янги босқичга олиб чиққани таъкидланди.

Сўхбат чоғида олий даражада эришилган келишувлар иқросини таъминлаш юзасидан парламент назоратини қучайтириш, ҳамкорлик гуруҳлари фаолиятини фоллаштириш, қонунчилик соҳасида тажриба алмашиш ва парламентлараро шерикликни мунтазам давом эттириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

«Халқ сўзи».

Дунё нигоҳи

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЕВРОПАДАГИ МУСТАҲКАМ МАВҲЕИ ЕВРООСИЁ УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТАДИ

Хорижий экспертлар Ўзбекистон Президентининг
Брюсселга ташрифи ва олий даражадаги
музокаралар якунлари ҳақида

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 23-24 октябрь кунлари Брюсселга расмий ташрифи ва Европа Иттифоқи билан Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланиши икки томонлама муносабатлар тарихида муҳим босқични бошлаб берди.

Европа Иттифоқининг асосий институтлари раҳбарлари ва Европа бизнес етакчилари билан самарали музокаралар сиёсий мулоқот, иқтисодий ҳамкорлик ва стратегик шерикликни мустаҳкамлашга ўзаро садоқатни яна бир бор намоийш этди.

Ўз навбатида, имзоланган янги битим нафақат икки томонлама мулоқотни сифат жиҳатдан янги даражага кўтарди, балки бутун Марказий Осиё минтақаси учун стратегик аҳамиятга эга бўлиб, Ўзбекистоннинг минтақадаги Европа Иттифоқининг асосий ҳамкори сифатидаги ролини мустаҳкамлайди.

Хорижий экспертлар таъкидига кўра, мазкур тарихий битимнинг имзоланиши бутун минтақа, шунингдек, умуман, Евроосиё билан Европа Иттифоқи ҳамкорлиги архитектурасига ижобий таъсир кўрсатади.

➡ 3

МУНОСИБ МЕҲНАТ ШАРОИТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Бугунги кунда амалга оширилаётган барча соҳалардаги янгиланишлар инсон манфаатлари ва унинг фаровонлигига қаратилган. Хусусан, меҳнат муносабатларидаги ўзгаришлар ва унда акс этган инсонларварлик тамойиллари кишини безътибор қолдирмаслиги тайин. Мамлакатимизда меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш давлат сиёсати даражасига олиб чиқилиб, меҳнат муносабатларини халқаро стандартлар асосида ривожлантириш, ижтимоий адолатни таъминлаш, меҳнат соҳасида институционал ва ҳуқуқий базани такомиллаштириш, соҳага оид халқаро стандартларни жорий этиш борасида тизимли ишлар амалга оширилди. Болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга тўлиқ барҳам берилди.

Мулоҳаза

Айниқса, янги тахрирдаги Конституциямиз, янгиланган Меҳнат кодекси ва "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Қасаба уюшмалари тўғрисида"ги, "Жамоатчилик назорати

тўғрисида"ги ҳамда "Аҳоли бандлиги тўғрисида"ги каби қатор қонунлар имзолангани бу йўналишдаги муҳим қадамлар бўлди.

Бош қомусимизнинг 42-моддасида ҳар ким му-

носиб меҳнат қилиш, қасб ва фаолият турини эркин танлаш, хавфсизлик ҳамда гигиена талабларига жавоб берадиган қўлай меҳнат шaroитларида ишлаш, меҳнати учун ҳеч қандай қамситишларсиз, меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш, шунингдек, ишсизликдан қонунда белгиланган тартибда ҳимояланиш ҳуқуқига эгаллиги белгиланган бўлиши қайд этиш керак, меҳнат муносабатларига оид миллий қонунчилигимиз такомиллаштирилишида, ушбу соҳада эришилган амалий натижаларда Ўзбекистон ва Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) ўртасидаги ҳамкорлиқнинг сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилгани катта аҳамиятга эга.

➡ 2

Таҳлил

ҚУЛАЙ ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИ

иқтисодий юксалиш,
барқарор тараққиёт қафолатидир

Маълумотларга қараганда, охириги саккиз йилда Ўзбекистон иқтисодиётига 130 млрд. доллар инвестиция киритилди. Бунинг ҳисобига минглаб янги қувватлар ишга туширилди, миллионлаб доимий иш ўринлари яратилди. Натижада иқтисодиёт тармоқларида барқарор ривожланиш суръатлари таъминланиб, аҳоли жон бошига даромад 3,5 минг долларга етказилди.

Президент Шавкат Мирзиёев яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон қасаба уюшмалари фаоллари ва фахрийлари билан учрашувдаги нутқида ушбу масалаларга эътибор қаратиб, бу борадаги ютуқларни янги ислохотлар бошлагани илк кунлардан "Инсон кадри учун" деган эзгу гоияни амалга ошириш мақсадида, аввало, иқтисодий-ижтимоий соҳаларни ривожлантириш усту-

вор вазифа сифатида белгилаб олингани, хусусий секторга кенг йўл очиб, чин орақдан ишлайман деган одамларга муносиб меҳнат шaroити яратиб берилгани, қолаверса, қўлай инвестиция муҳити қарор топгани билан изоҳлади.

Дарҳақиқат, инвестициялар ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг ҳаётий муҳим қисмидир.

➡ 3

БЎЛҒУСИ ЖУРНАЛИСТЛАР СЕНАТДА



Олий Мажлис юқори палатасида сенаторларнинг Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабалари билан суҳбати бўлиб ўтди.

Учрашув

Мулоқотда ёшларнинг сиёсий саводхонлигини оши-

риш, уларни парламент фаолияти билан яқиндан таништириш ҳамда давлат бошқаруви тизимида фаол

фуқаролик позициясини шакллантириш масалаларига мамлакатимизда алоҳида эътибор берилаётгани таъкидланди.

Сенаторлар бўлғуси журналистларга парламент юқори палатаси фаолияти, унинг тузилмаси, ваколатлари ва мамлакат сиёсий ҳаётидаги ўрни ҳақида батафсил маълумот берди.

Талабалар суҳбат давомида ўзларини қизиқтирган саволларига ҳам жавоб олди.

КОНЦЕПЦИЯ ИЖРОСИ — МУҲОКАМА МАРКАЗИДА

Олий Мажлис Сенати Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди.

Анжуман

Унда комиссия аъзолари, Сенатнинг Худудий вакиллик органлари фаолиятини ўрганиш маркази вакиллари, маҳаллий Кенгаш раислари ва котибиёт мудирилари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Мажлисда Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини 2030 йилга қадар ривожлантириш концепциясининг ижроси муҳокама қилинди.

Концепцияда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, “Куچли кенгаш — ҳисобдор ва ташаббускор ҳоким” тамойили асосида

маҳаллий вакиллик органларини халқнинг чинакам “овози”га айлантириш йўлида қатор ижобий ишлар амалга оширилгани таъкидланди. Хусусан, “Кенгаш соати”, “Кенгаш сўрови” каби институтларнинг жорий этилиши, шунингдек, депутатларнинг “маҳалла еттилиги” билан ҳамкорликда аҳоли муаммоларини ўрганиш ва ҳал қилиш борасидаги саъй-ҳаракатлари ўзининг ижобий самарасини бераётганлиги қайд этилди.

Шу билан бирга, кенгашлар томонидан қарорлар қабул қилишда қонунийликни таъминлаш, Кенгаш ва унинг органлари ҳамда депутатлар фаолиятини

янада фаоллаштириш, уларнинг аҳоли билан бевосита мулоқотини кенгайтириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар ижроси устидан депутатлик назоратининг самарадорлигини оширишга доир масалалар таҳлилий қўриб чиқилди.

Мажлисда комиссия аъзолари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқори Кенгеси ва халқ депутатлари вилоятлар Кенгашларининг ахборотлари тингланди.

Муҳокамада комиссия аъзолари томонидан маҳаллий Кенгашлар фаолиятини самарали ташкил қилишга қаратилган қатор тавсиялар билдирилди.

Мажлис якунида комиссиянинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

МУНОСИБ МЕҲНАТ ШАРОИТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА



Ташкилот кўмагида Ўзбекистонда меҳнат соҳасида 40 дан ортик норматив ҳужжатлар қабул қилингани ҳамда унинг 24 та халқаро конвенцияси ва 1 та Баёни ратификация этилгани, Ўзбекистон ва ХМТ ҳамкорлигида ишлаб чиқилган “2021 — 2025 йилларга мўлжалланган муносиб меҳнат бўйича мамлакат дастури”, уни амалга ошириш ишлари ҳар икки йилда янгиланадиган ва аниқ тадбирларни ўзида мужассам этган “Йўл харитаси” асосида олиб борилаётгани муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистоннинг Халқаро меҳнат ташкилоти стандартларини қабул қилаётган энг фаол давлатлар сафидан жой олаётгани дунё ҳамжамияти томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Ўтган йили Президентимиз билан учрашув жараёнида Халқаро меҳнат ташкилоти бош директори Жильбер Унгбо мамлакатимизнинг меҳнаткашлар ҳуқуқларини таъминлаш, иш ўринларини яратиш ва халқаро конвенцияларни имплементация қилиш борасидаги ютуқларига юқори баҳо бериб, юртимиз тажрибасини халқаро миқёсда ўрганиш ва қўллаш учун муваффақиятли модель сифатида кўраётганини эътироф этган эди.

Яқинда Женева шаҳрида Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича миллий комиссия раиси Т. Норбоева билан учрашув жараёнида Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича ХМТ минтақавий бюроси директори Беата Андрос ҳам мамлакатимизнинг камбағалликни қисқартириш ва фуқаролар учун муносиб меҳнат шaroитларини яратишга қаратилган сиёсатини юқори баҳолади.

Ўтган йиллар давомида соҳанинг институционал асосларини мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бу йўналишда Ногиронлиги бўлган шахслар ишлари бўйича идораларро кенгаш, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Давлат меҳнат инспекцияси, бандликка кўмаклашиш марказлари, фуқаролик жамияти институтлари муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Соҳада бундай ислохотлар амалга оширилишига асосий зарурат кейинги йилларда ҳаётимизга қўллаб янги меҳнат муносабатлари кириб келганидир. Жумладан, хусусий сектор жадал ривожланмоқда, тадбиркорликка кенг имкониятлар яратилди, ўзини ўзи банд қилиш тизими йўлга қўйилди. Пандемия шароитида масофавий иш усули жорий этилди.

Шу билан бирга, имконияти чекланган фуқароларни қўллаб-қувватлаш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида ҳимоя этиш, камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-ҳунарга ўқитишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ва буларнинг барчаси меҳнат бозориди одамларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва меҳнат муҳофазасини кучайтириш бўйича янги ислохотларни амалга оширишни тақозо этаётган эди. Ушбу меҳнат муносабатларини тартибга солув-

чи нормалар, жумладан, иш берувчининг меҳнатни муҳофаза қилишга доир мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш, меҳнат муносабатларида вакиллик органи (касаба уюшмалари)нинг ролини, жамоатчилик назоратининг ўрни ва аҳамиятини оширишга оид нормалар соҳадаги асосий ҳужжат — Меҳнат кодексиди акс эттирилди.

Янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси амалиётда тўғридан-тўғри ишлайдиган қўллаб янги меъёрлар киритилганлиги билан аҳамиятлидир. Масалан, янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси 1-бўлимининг 1-бобида меҳнат қонунчилигининг мақсади ва

иш ҳақини кечиктиргани учун моддий жавобгарлиги кучайтирилиб, кечиктирилган ҳар бир кун учун қайта молиялаш ставкасининг 10 фоизи миқдорида белгилангани ҳам айни муддао бўлди. Бу ходимларга ўз вақтида ҳақ тўлашини таъминлайди.

Меҳнат муносабатларини тартибга солувчи ҳужжатларга аёлларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминловчи, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кафолатловчи қатор нормалар киритилган. Жумладан, аёлларга оид масала кодекснинг 30 та моддасида келтириб ўтилган.

Халқаро меҳнат ташкилотининг “Бир хил қийматдаги меҳнат учун эркаклар ва аёлларни тенг рағбатлантириш тўғрисида”ги 100-сон конвенциясига мувофиқ кодекснинг 244-моддасида тенг қийматли меҳнат учун эркаклар ва аёлларга тенг миқдорда ҳақ тўлашини таъминлаш лозимлиги белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, кодексда ҳомиладор аёлларни йиллик меҳнат таътилидан қақшириб олишга йўл қўйилмаслиги, болани парварлаштириш таътилидан фойдаланаётган ходимга йиллик меҳнат таътили, унинг хоҳишига қўра болани парварлаштириш таътилидан олдин ёҳуд ундан кейин берилиши каби имкониятлар яратилган.

Умуман, меҳнат муносабатларини тартибга солишда қонунчиликда бу каби ҳолатларнинг тўлиқ акс эттирилишида парламент хузуридаги жа-

вазифалари ҳамда амал қилиш доираси белгиланди. Аввалги кодексда бу меъёрлар аниқ кўрсатилмаган эди.

Шунингдек, ушбу кодексда ишдан бўшатиш нафақасининг иш берувчида ишлаган иш стажига қараб дифференциалланган миқдори белгиланди. Яъни аввалги Меҳнат кодексиди иш берувчида қанча йил ишлаганидан қатъи назар, ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда бир хил миқдорда ишдан бўшатиш нафақаси тўланиши назарда тутилган бўлиб, бу хорижий тажриба ва халқаро меҳнат стандартларига мос эмас эди. Шундан келиб чиқиб, ҳужжатда ишдан бўшатиш нафақасининг миқдори иш берувчидаги иш стажига боғлиқ бўлиши белгиланди. Унга асосан ходимларни ишдан бўшатиш нафақасининг энг кам миқдори иш стажидан келиб чиқиб, ўртача ойлик иш ҳақининг эллик фоизидан, агар бўшатилаётган ходим 15 йилдан ортик иш стажига эга бўлса, икки юз фоиздан кам бўлмаган миқдорда тўланиши қатъий белгилаб қўйилди.

Янгиланган кодекснинг 220-моддасида қўшимча таътил ходимнинг битта ташкилотда ёки тармоқдаги тўлиқ ҳар 5 йиллик иш стажига учун 2 кунга, лекин жами 8 кундан ортик бўлмаган муддатга қўлайтирилди. Қолаверса, иш берувчи томонидан хизмат текширувларини ўтказиш ва ишдан четлаштириш жараёни тартибга солинди. Шунингдек, иш берувчининг

моатчилик эксперт кенгашларига касаба уюшмалари вакилларининг киритилиши муҳим омил бўлмоқда. Бунинг бир қатор афзалликлари бор.

Хусусан, касаба уюшмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларга дахлдор бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, касаба уюшмалари вакилларининг жамоатчилик эксперт кенгашларидаги иштироки ходимларнинг қонунчилик жараёнларига бефарқ бўлмаслигини таъминлайди, бу эса қонунлар уларнинг реал манфаатларини акс эттирадиган тарзда қабул қилишга имкон беради.

Юқорида тилга олинган ўзгаришлар Янги Ўзбекистонда эркин ва қучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, ҳар бир меҳнат муносабатига киришувчи шахснинг манфатларини ҳимоя қилиш етакчи йўналишлардан бири эканлигини тасдиқлайди.

Янги Ўзбекистонда ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлаш, меҳнатини муҳофаза қилиш, кафолатланган ижтимоий ҳимоядан фойдаланиши учун мустаҳкам қонуний асослар яратилган ва амалий ишлар йўлга қўйилган.

Зумрад БЕКАТОВА,
Олий Мажлис Сенатининг
Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси аъзоси.

АҲОЛИ МАНФААТЛАРИ УСТУВОРЛИГИ ИФОДАСИ

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда қуйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган қатор қонун лойиҳалари атрофлича қўриб чиқилди.

Сиёсий партиялар фракцияларида

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида дастлаб Президентимиз раислигида давлат бошқаруви, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларда сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш масалалари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган вазифаларнинг аҳамият ҳақида сўз юритилди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистонда сунъий интеллектни ривожлантириш бўйича алоҳида қарор қабул қилиниб, соҳанинг ҳуқуқий асосларини яратилди. Қисқа даврда давлат хизматлари, банк-молия, жамоат хавфсизлиги, транспорт каби йўналишларда 30 дан ортик пилот лойиҳалар ишга тушди.

Мамлакатимизда 2030 йилга бориб сунъий интеллект бўйича дунёнинг “ТОП — 50”талигига киритиш мақсад қилинган. Шу боис олғор хорижий тажрибадан келиб чиқиб, “Сунъий интеллект альянси”ни ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Фракция аъзоси Диёр Хусанов видеоселекторда илгари сурилган та-

шаббуслар ҳақида тўхталар экан, мазкур альянс Ўзбекистонда инновацион ҳамкорликни кучайтириш, янги гоълар ва илмий салоҳиятни бирлаштириш орқали мамлакатимизни рақамли иқтисодиётда илгор ўринга чиқаришга хизмат қилишини таъкидлади.

Йиғилишда қўриб чиқилган навбатдаги масала — “Ўзбекистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси ўртасида уч давлатнинг давлат чегаралари туташган нукта тўғрисидаги Шартнома”ни (Хўжанд, 2025 йил 31 март) ратификация қилиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси бўлди.

Мазкур шартнома уч қардош мамлакатлар ўртасида яхши қўшничилик, ишонч ва стратегик шериклик муносабатлари мустаҳкамланишига, бутун Марказий Осиё минтақаси халқаро нуфузининг янада ошишига хизмат қилади.

Депутатлар ушбу шартнома уч давлат фуқаролари ўртасидаги алоқаларнинг жадаллашувиغا, чегарадош ҳудудлар иқтисодий ҳамкорлигининг кучайишига, чегараолди савдонинг ортишига, янги иш ўринларини

яратишга мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлишини эътиборга олиб, уни қўллаб-қувватлади.

“Миллий тикланиш” демократик партияси фракциясининг йиғилиши эса ўтган ҳафтада мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва халқаро ҳаётида юз берган муҳим воқеалар муҳокамаси билан бошланди. Дастлаб давлатимиз раҳбарининг Европа кенгаши Президенти Антониу Кошта ва Европа комиссияси Президенти Урсула фон дер Ляйеннинг тақлидига биноан Брюссель шаҳрига расмий ташрифининг аҳамияти хусусида фикр алмашилди.

Шундан сўнг “Олий таълимга оид малакаларни тан олиш тўғрисидаги глобал конвенция”ни (Париж, 2019 йил 25 ноябрь) ратификация қилиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси муҳокама этилди.

Билдирилганидек, ушбу конвенцияни ратификация қилиш олий таълим соҳасидаги малакаларни адолатли, шаффоф ва камситмасдан тан олиш учун асос яратди. Қолаверса, минтақаларо академик мобиллик учун имкониятлар очиб, квалификацияларни тан олиш амалиётини яхшилашга

қаратилган универсал тамойилларни жорий қилади.

Фракция аъзолари глобал конвенция талабалар учун бутун дунё бўйлаб таълим ва илмий тадиқотларни давом эттириш имконини яратиш билан бирга, унга аъзо бошқа етакчи давлатлар билан таълим соҳасидаги икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш, уларни оммалаштириш ва халқаро илмий ҳамкорликни ривожлантириш имкониятини беришини айтишди.

Мунозаралардан сўнг ушбу қонун лойиҳаси депутатлар томонидан маъқулланди.

“Адолат” социал-демократик партияси фракцияси йиғилишида давлатимиз раҳбарининг Брюссель шаҳрига ташрифи, айниқса, Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи ўртасида Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг имзоланиши мамлакатимиз ва ЕИ муносабатларида янги босқични бошлаб бериши қайд этилди.

Депутатлар шундан сўнг Ўзбекистон энергетика вазирини Ж. Мирзамамудовнинг “Қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш, шу жумладан, қуёш панелларини ўрнатиш ишларини кенгайтириш чоратадбирлари тўғрисида”ги парламент сўровига жавобини қўриб чиқди.

Мамлакатимизда “яшил” иқтисодиёт, айниқса, қайта тикланувчи энергетика соҳасини ривожлантиришга қатта эътибор қаратилиб, электр энергиясини қайта тикланувчи манбалар асосида ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш бўйича дадил қадамлар ташланмоқда.

Бугунги кунда юртимизда умумий қуввати 770 МВт бўлган қуёш панелларини ишлаб чиқарувчи 7 та корхо-

на фаолияти йўлга қўйилган. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан сезиларли даражада ошган. Қолаверса, қуёш сув иситкичлари ишлаб чиқариш бўйича 5 та маҳаллий корхона фаолияти йўлга қўйилган.

Йиғилишда ушбу йўналишда вазирлик томонидан муайян ишлар амалга оширилаётгани, шу билан бирга, соҳада ечимини кутаётган айрим масалалар ҳам борлиги айтилди. Фракция аъзолари бу борадаги ишларни изчил давом эттириш, қуёш панелларини ўз вақтида ўрнатиш ишларини жадаллаштириш бўйича тегишли тавсиялар берди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилишида “Ўзбекистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси ўртасида уч давлатнинг давлат чегаралари туташган нукта тўғрисидаги Шартнома”ни (Хўжанд, 2025 йил 31 март) ратификация қилиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси муҳокама этилди.

Таъкидланганича, мазкур шартнома кучга кириши натижасида уч давлат фуқаролари ўртасидаги алоқалар янада фаоллашади, чегараолди ҳудудларда савдо-сотик ҳажми ортиб, янги инфратузилма лойиҳалари амалга оширилади ва иш ўринлари яратилади. Бу эса чегарадош ҳудудларда яшовчи аҳолининг турмуш даражасини оширишга хизмат қилади.

Депутатлар Марказий Осиёда интеграцион жараёнлар тобора кучайиб бораётганини қайд этар экан, ушбу шартнома ҳам тарихий, маданий ва миллий илдиэлари муштарак бўлган халқларимизнинг янада яқинлашиши ҳамда ўзаро ишонч мустаҳкамланишига хизмат қилишини қайд этди.

Йиғилишда кун тартибидидаги масалалар юзасидан фракциянинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси йиғилишида “Олий таълимга оид малакаларни тан олиш тўғрисидаги глобал конвенция”ни (Париж, 2019 йил 25 ноябрь) ратификация қилиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси обдан қўриб чиқилди.

Мазкур конвенция 2019 йил 25 ноябрда ЮНЕСКО Бош конференциясининг 40-сессиясида қабул қилиниб, 2023 йил 5 мартдан кучга кирган. Конвенция олий таълим ҳужжатларининг халқаро миқёсда ўзаро тан олиниши учун ҳуқуқий асос яратишга, миллий таълим тизимларининг глобал олий таълим тизими билан интеграциясини таъминлашга хизмат қилади.

Глобал конвенциянинг ратификация қилиниши Ўзбекистон Республикаси учун бир қатор афзалликлар яратди. Хусусан, у олий таълим ва меҳнат миграцияси соҳасида халқаро ҳамкорликни кучайтириш, чет элда олинган малакаларни тан олишни соддалаштириш, шунингдек, миллий дипломларнинг халқаро майдонда тан олинишини таъминлашга замин яратди.

Муҳокама жараёнида мазкур ҳужжат ратификацияси Ўзбекистон Республикаси манфаатларига мос эканлиги ва у мамлакатимиз таълим тизимининг халқаро рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилишини айтилди ва ушбу қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Йиғилишларда фракциялар фаолиятига оид бошқа масалалар ҳам қўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузурида Солиққа оид низолат бўйича эксперт кенгаши фаолияти ташкил этилади.

ИЛМ ВА МАЪРИФАТГА УНДОВЧИ ТАШАББУС

Ургут туманидаги Деҳқонобод маҳалласида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, таниқли адиб ва журналист, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори, Олий Мажлис Сенати аъзоси Абдусайд Кўчимов кутубхонасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Ибрат

Тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзолари, пойтахтдан ташриф буюрган ёзувчи, шоир ва журналистлар, Самарқанд вилояти ва Ургут тумани ҳокимликлари масъуллари, тумандаги умумтаълим мактаблари ўқитувчилари, ўқувчилар ва Деҳқонобод маҳалласи фаоллари иштирок этди.

Янги зиё масканининг очилиш маросимида сўзга чиққанлар қайд этганидек, юртимизда сўнгги йилларда халқимизнинг китобхонлик маданиятини юксалтириш, китоб мутолаасига қизиқишини кучайтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз “Керак бўлса, машина бериб бўлса ҳам, халқимизни китоб ўқишга ўргатамиз”, деган гаплари бугун ҳаётда ўз ифодасини топиб, китобхонлик бўйича “Еш китобхон”, “Китобхон оила”, “Китобхон маҳалла” сингари оммавий талловлар ўтказилмоқда ва бу талловлар ғолибларига Президент савғаси сифатида автомашина берилаётганига барчамиз гувоҳимиз.



Деҳқонобод маҳалласида Абдусайд Кўчимов ташаббуси билан Ургут тумани ҳокимлиги кўмагида мазкур кутубхонанинг ташкил этилиши ҳам Президентимизнинг китобхонликка эътибори самараси бўлди, десак, хато қилмаган бўламиз.

Шу ўринда айтиш керакки, Абдусайд Кўчимов кутубхонаси бежиз Деҳқонобод маҳалласида ташкил этилгани йўқ. Чунки адиб айнан Ургут туманидаги ушбу маҳаллада туғилган. Болалик ва ёшлик чоғларининг унутилмас онлари, бегубор хотиралари шу маҳалла билан bogʻлик.

— Абдусайд Кўчимов нафақат қалами ўткир журналист ва адиб, балки қалбда юрчи, халқи, айниқса, ёшлар тақдирини учун қайғурадиган чин маънавият фидойисини, — дейди кутубхона Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Минҳожиддин Ҳожиматов. — Мана, бугун иходкорнинг ўзи туғилиб ўсган қишлоқда унинг ташаббуси билан ташкил этилган кутубхона фикримизнинг тасдиғидир. Бу масканда маърифатнинг руҳи, устоз

сўзининг нафаси ва ибрати бор. Ёшлар бу ерга фақат китоб ўқиш учун эмас, балки ўз устиди ишлаш, ҳаётда тўғри йўл топиш учун ҳам келади. Ишонманки, бу кутубхона Деҳқонобод маҳалласида янги маънавий муҳит, янги илҳом ва янгича фикрлашни шакллантиради.

Тадбирда таниқли ёзувчи ва шоирлар сўзга чиқиб, адиб ҳаёти ва иходи, ўзи туғилиб ўсган маҳалланинг ташкил этган кутубхона ҳақида илқ фикрларини билдирди.

— Мамлакатимизда “Мактабимга китоб совға қиламан” сингари акциялар доирасида мактаб кутубхоналари фонди минглаб бадийи адабиётлар билан бойиб бормоқда. Бу, албатта, каттаю кичик барчанинг китобга бўлган меҳрини ошириб, уларнинг бадийи адабиётларга бўлган эҳтиёжини қондиришига хизмат қилапти, — дейди педагогика фанлари доктори, профессор, адабиётшунос олим Қозоқбой Йўлдошев.

— Таниқли адиб Абдусайд Кўчимов

ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ ИНТИЗОМДАН БОШЛАНАДИ

Бугун барча соҳалардаги жадал ривожланишга мутаносиб равишда халқимиз ҳаёти тобора фаровонлашиб бормоқда. Эндilikда бир вақтлардагидек, бир маҳаллада санокли эмас, балки ҳар бир хонадон ўз шахсий транспорт воситасига эгаки, бу ҳам юртдошларимизнинг турмуш кўрсаткичининг бир намоёнидир.



Дил сўзи

Албатта, транспорт воситалари қатнови кўпайиши билан йўл ҳаракати хавфсизлиги тизими ҳам такомиллашиб бормоқда. Хусусан, сўнгги йилларда соҳага ахборот технологияларининг жадал кириб келиши бир неча муҳим йўналишлар бўйича ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва назорат қилиш самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда. Бунда интеллектуал камераларнинг аҳамияти жуда катта. Масалан, “акқли” светофорлар ҳаракатни тартибга солишда муҳим восита бўлмоқда. Маълумки, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишда тарги-

бот-тушунтириш ишларининг аҳамияти катта. Шу боис ушбу йўналишда бутун мамлакатимизда бўлган каби вилоятимизда ҳам кенг кўламли ишлар амалга ошириляпти. Ҳаракат хавфсизлигини таъминлашни фақат йўлларда эмас, балки маҳаллалар, меҳнат жамоалари, таълим муассасалари — бевосита одамлар ичида ҳам бажаришни ўзимизнинг энг муҳим вазифамиз деб белгиланган.

Айниқса, бу борада болалар ва ёшлар ўртасида олиб борилаётган тадбирлар юқори самара бераётир. Ҳозирги кунда 245 та умумтаълим мактабида “Йўл ҳаракати қоидалари” синфхонаси ташкил этилган. Унда касбдошларим иштирокида “Йўл ҳаракати интизими болаликдан бошлана-

ди” мавзуида тарғибот-тушунтириш машғулотлари ўтказиб келинмоқда.

Камтарона меҳнатимизда муқофотига муносиб кўрилганидан чексиз миннатдорман. Ушбу юксак эътироф нафақат менинг, балки юртимиз ва халқ манфаати учун сидқидилдан меҳнат қилаётган барча жамoadошларимнинг касбиимизга бўлган меҳримизни ошириб, янада сергакроқ бўлишга илҳомлантиради.

Жаҳонгир УРАЛОВ, Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармасининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл-патрули хизмати инспектори, «Содиқ хизматлари учун» медали соҳиб.

ГЛОБАЛ МИКЁСДА ТАРИХИЙ ВОҚЕА

Бугун жаҳон сиёсати тобора мураккаблашиб, глобал иқтисодий муносабатларда янги геосиёсий воқеалар рўй бераётган бир даврда Ўзбекистон таъсири сиёсатини очиклик, прагматизм ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик тамойилларига асослаб олиб бормоқда.

Фикр

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Бельгияга расмий ташрифи ва Брюссель шаҳрида ўтган “Ўзбекистон — Европа Иттифоқи саммити” ана шу стратегик йўналишнинг амалий ифодасига айланди.

Ушбу ташриф нафақат икки томонлама сиёсий мулоқотнинг навабатида босқичи, балки Ўзбекистоннинг халқро майдондаги янги ролини, унинг ишончли ва барқарор ҳамкор сифатидаги нуфузини янада мустаҳкамловчи тарихий воқеа бўлди.

Брюсселдаги “Европа” қорғоғида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев, Европа кенгаши Президенти Антониу Кошта ва Европа комиссияси Президенти Урсула фон дер Ляйен иштирокида Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасида Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди. Бу ҳужжат ўзининг ҳуқуқий, иқтисодий ҳамда сиёсий мазмунига кўра, Ўзбекистон — Европа муносабатларининг янги тарихий саҳифасини очди.

Битим сиёсий мулоқотдан тортиб атроф-муҳит муҳофазасига бўлган барча соҳаларда ҳамкорлики мустаҳкамлайди. У савдо, сармоя, рақамли иқтисодиёт, барқарор ривожланиш, таълим, инновация, энергетика ва экологик муаммоларни ўз ичига олган стратегик йўналишларни қамраб олади. Бу Ўзбекистонни Европа томонидан иқтисодий, сиёсий ва экологик маконинг ажралмас қисми сифатида тан олиншининг амалий тасдиғидир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Брюсселдаги Европа компаниялари раҳбарлари билан ўтказган давра суҳбатида бу ишончини юксак даражада ифода этди. Учрашувда “Vandewiele”, “Linde”, “Rhenus Logistics”, “Ahlers Logistics”, “SUEZ”, “European Investment Bank”, “Commerzbank” каби йирик компаниялар раҳбарлари қатнашди.

Бизнес-форум натижасида умумий қиймати 10 млрд. евродан ортиқ янги қўшма лойиҳалар бўйича қилишувларга эришилди. Бу лойиҳалар энергетика, кимё, минераллар, логистика, тўқимачилик ва фармацевтика тармоқларини қамраб олади. Европа компаниялари иштирокидаги мавжуд 40 млрд. евролик лойиҳалар портфели янада кенгайди.

Европа инвесторларининг бу ишончи — Ўзбекистоннинг иқтисодий сиёсати барқарорлиги, молиявий шафдофлик ва экологик хавфсизлик тамойилларига қатъий содиқлигининг амалий кўрсаткичидир.

Брюсселдаги учрашувлар давомида томонлар Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзолиги бўйича музокаралар якунланганини олқишладди. Бу — мамлакатимизнинг глобал иқтисодий тизимга тўлиқ интеграциялашуви йўлидаги муҳим қадам.

Шунингдек, виза тартибларини соддалаштириш, экологик ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, транспорт ва энергетика соҳаларида янги истиқболли лойиҳаларни йўлга қўйиш масалалари муҳокама этилди.

Учрашув якунида қабул қилинган Қўшма баёнот Ўзбекистон — Европа алоқаларини янада кенгайтириш, инсон, атроф-муҳит ва барқарор тараққиёт манфаатларига хизмат қилишга йўналтирилган янги босқични белгиледи.

Президентимизнинг Брюсселдаги расмий ташрифи ва имзоланган Кенгайтирилган шериклик битими мамлакатимиз тарихидаги сиёсий, иқтисодий ва экологик жиҳатдан йирик воқеалардан биридир. Бу битим Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан барқарор, узоқ муддатли ва тенг ҳуқуқли ҳамкорлик сиёсатида янги даврни бошлаб беради.

Бугун Ўзбекистон глобал миқёсда ишончли ҳамкор, экологик барқарор ривожланиш тамойилларига содиқ, “яшил” сиёсатни амалда рўёбга чиқараётган давлат сифатида тан олинган. Президент ташаббуси билан амалга оширилаётган очик ва масъулиятли сиёсат халқро майдонда Ўзбекистоннинг овозини янада кучайтирмоқда.

Ойбек РАХИМОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЕВРОПАДАГИ МУСТАҲКАМ МАВҚЕИ ЕВРООСИЁ УЧУН КЕНГ ИМКОНияТЛАР ЯРАТАДИ



Ласло ВАСА, Венгрия халқро муносабатлар институтини катта маслаҳатчиси ва катта илмий ходими, Иштван Сечени номидаги университет профессори:



— Президент Шавкат Мирзиёевнинг Брюсселга расмий ташрифи Ўзбекистон таъсири сиёсатини диверсификация қилиш ва унинг Европа билан муносабатларини мустаҳкамлашда муҳим босқич бўлди. Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида имзоланган янги Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим икки томонлама чегарадан ташқарида ҳам кенгроқ минтақавий ва стратегик аҳамиятга эга. Бу ҳаракат Ўзбекистоннинг халқро алоқаларини кенгайтириш, ислохотлар борасидаги ютуқларни намоён этиш ва Марказий Осиёнинг динамик геосиёсий муҳитида ўз таъсирини кучайтириш ниятидан далолат беради.

Президент Шавкат Мирзиёев 2016 йилдан буюн Ўзбекистонни замонавий, прагматик ва ислохотчи давлат сифатида кўрсатиб, унинг халқро имижини ўзгартиришга ҳаракат қилмоқда. Мамлакатда унинг маъмурияти иқтисодиётини либераллаштириш ва маъмурий модернизацияни бошлади. Халқро миқёсда Россия, Хитой ва Ғарб давлатлари билан муносабатларни мувозанатлаштиришга қаратилган кўп векторли таъсири сиёсат йўлга қўйилди.

Шу нуктаи назардан, Брюсселга ташрифи Европа билан алоқаларни чуқурлаштиришда муҳим қадамдир.

Дипломатик нуктаи назардан, ташрифи Ўзбекистоннинг ўзини ишончли ва конструктив шерик сифатида кўрсатиш истагини таъкидлайди. ЕИ Ўзбекистоннинг энг йирик савдо ҳамкорларидан бири бўлиб қолмоқда. Энергетика, рақамлаштириш, транспорт алоқаси ва таълим каби соҳалардаги ҳамкорлиқни чуқурлаштириш сезиларли иқтисодий фойда келтириши мумкин. Қолаверса, Европа траекторияси Тошкентга геосиёсий тарқоқлик ва аънанавий савдо

йўлларини мураккаблаштирадиган санкциялар режими шароитида мувозанатлаш имконини беради. Шу маънода, Бельгияга ташрифи ҳам стратегик диверсификациядан дарак беради.

Европа учун, айниқса, Брюсселда жойлашган ЕИ институтлари учун Ўзбекистон Президентининг ташрифи аҳамияти кам эмас. Марказий Осиё Евроосиё чорраҳасида жойлашганлиги ва Европани Осиё билан bogʻловчи янги савдо ва энергетика йўлакларидидаги потенциал роли туфайли яна стратегик манфаатлар минтақасига айланди.

Минтақадаги энг кўп аҳолига эга, энг бой ва марказда жойлашган давлатлардан бири — Ўзбекистон билан алоқаларни мустаҳкамлаш ЕИга Марказий Осиёда “Глобал дарвоза” стратегиясини мустаҳкамлаш имкониятини беради.

Минтақавий нуктаи назардан қараганда, Ўзбекистон етакчисининг Европа билан алоқаларни ривожлантиришга қаратилган савй-ҳаракатлари Марказий Осиё давлатлари ўртасида глобал ноанқилик шароитида янада хилма-хил ҳамкорлиқни ривожлантириш тенденциясини акс эттиради.

Венгрия ва бошқа Марказий Европа давлатлари учун ҳам бу ташрифи алоҳида аҳамиятга эга. Венгрия “Шарққа очилиш” сиёсати доирасида Марказий Осиёда дипломатик ва иқтисодий алоқаларини ривожлантирмоқда ва Ўзбекистон бу стратегияда асосий ҳамкорга айланди. ЕИ ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш Венгрия компаниялари учун, хусусан, “яшил” энергия, транспорт ва рақамли ривожланиш каби соҳаларда янги имкониятлар очили мумкин. Бу, шунингдек, Венгриянинг ЕИ ва Марказий Осиё ўртасида кўпrik бўлиб хизмат қилиш мақсадини қўллаб-қувватлайди. Будапешт сўнгги йилларда бу ролни фаол илгари сурди.

Холид Таймур АКРАМ, «Умумий келажак жамияти» таҳлил маркази ижрочи директори (Покистон): — Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Брюсселга расмий ташрифи, шубҳасиз, нафақат Тошкент, балки бутун Марказий Осиё



минтақаси учун стратегик аҳамиятга эга.

Биринчидан, Европа Иттифоқи билан янгиланган Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг имзоланиши Ўзбекистоннинг Европа билан иқтисодий ва сиёсий алоқаларини мустаҳкамлаш йўлидаги хал қилувчи қадам бўлади. Мазкур қилишув Ўзбекистоннинг ЕИ билан муносабатларида янги саҳифани очиб, мамлакатни савдо, сармоя ва бошқарув соҳасида Европа стандартларига яқинлаштиради.

Иккинчидан, Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш бўйича музокараларни якунловчи қўшма баёнотнинг имзоланиши рамзий ва амалий воқеадир. Бу Ўзбекистонда сўнгги йилларда амалга оширилган ислохотларнинг изчиллиги ва тизимлилигини ўзида акс эттиради. Минтақа мамлакатлари учун бу изчил иқтисодий модернизация ва шафдоф савдо сиёсати жаҳон иқтисодиётига адолатли шартлар асосида интеграциялашувга олиб келишига мисол бўлади.

Қолаверса, Президент Шавкат Мирзиёевнинг Европа кенгаши Президенти Антониу Кошта, Европа комиссияси Президенти Урсула фон дер Ляйен, бельгияликлар қироли Филипп билан учрашувлари Ўзбекистон билан Европа ўртасидаги ишонч ва сиёсий мулоқот юксак даражада эканини кўрсатади. Европа пойтахти Тошкентни Марказий Осиёда барқарорлаштирувчи роль ўйнашга қодир ишончли ҳамкор сифатида қўрмоқда.

Ўзбекистоннинг Европадаги мавқеини мустаҳкамлаш бутун Евроосиё учун ҳам янги имкониятлар яратади. Тошкентнинг Брюссель кун тартиби фақат Ўзбекистон ҳақида эмас. Бу минтақанинг глобал сиёсат ва иқтисодиётдаги аҳамияти ортиб бораётганидан далолат беради. Узоқ муддатли истиқболда бу Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё ўртасидаги, хусусан, транспорт ва энергетика йўлакларини контекстида яқинроқ алоқаларга ҳисса қўшиши мумкин.

Яшар НИЁЗИЙ, «ITNA Online» ахборот агентлиги бош муҳаррири (Эрон):



— Брюсселда бўлиб ўтган муҳим воқеа — Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасида имзоланган янги Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим Ўзбекистон — Европа ҳамкорлигини сифат жиҳатдан янги стратегик босқичга кўтаришга қаратилган.

Қелишув таъсири сиёсат ва хавфсизлик масалалари, жумладан, ноконуний миграция, коррупция, терроризм ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш, шунингдек, чегараларни бошқариш ва шахсий маълумотларни ҳимоя қилишни таъминлаштириш бўйича фаол ҳамкорлиқни назарда тутди.

Шу билан бирга, сўнгги йилларда Ўзбекистон Европа Иттифоқининг Марказий Осиёдаги муҳим ҳамкорига айланиб бормоқда. Жорий йилнинг апрель ойида томонлар ўзаро англашув меморандумини имзолаган бўлиб, у Европа Иттифоқи иқтисодиётига учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган мис, литий, алюминий, титан, платина, графит, никель, кобальт ва бошқалар каби муҳим ҳомаёшларда барқарор қиймат занжирларини ривожлантириш бўйича стратегик ҳамкорлиқни йўлга қўйган эди.

Ўзбекистон ва ЕИ мамлакатлари ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 2020 йилдан буюн икки баравар кўпайиб, 6,4 млрд. еврога етди.

Янги битимнинг имзоланиши ҳар икки томон учун янги имкониятлар очди. Хусусан, Европа томони учун Ўзбекистон ва Марказий Осиёда транспорт-логистика занжирларини барқарорлаштириш ҳамда муҳим ҳомаёшдан муқобил фойдаланиш имкониятини беради. Ўзбекистон учун Европа Иттифоқи янги таъсири бозорларини топиш, халқро ҳамжамият эътиборини сув ва иқлим муаммолари, минтақавий хавфсизлик ва таъсири сиёсатидаги шерикларини диверсификация қилишда муҳим аҳамиятга эга.

«Дунё» АА.

ҚУЛАЙ ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИ ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШ, БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИДИР



У ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги корхоналар очиш ва мавжудларини модернизация қилиш орқали иқтисодий ўсишни рағбатлантиради. Бирок инвесторлар дуч келган мамлакатга сармоя тикавермайди. У ёки бу давлатга киришда “етти ўлчаб, бир кесади”. Мамлакатнинг иқтисодий ўсиш суръатлари, инфляция даражаси, валюта курсининг барқарорлиги ва давлат қарзининг даражаси инвесторлар учун муҳим аҳамиятга эга. Сиёсий беқарорлик, коррупция ва ҳуқуқий тизимнинг заифлиги инвестиция оқимиға ғов ҳисобланади. Инвестиция муҳити мўътадиллигини эса миллий қонунчиликнинг либераллиги, солиқ имтиёзлари, бюрократик тўсиқларнинг мавжудлиги ёки йўқлиги ва инфратузилмани ривожлантириш даражаси белгиллаб беради.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда қулай инвестиция иқлими вужудга келгани, сармоядорларга имтиёзлар тақдим этиш сиёсати юритилаётгани туфайли инвесторлар Ўзбекистонга, Марказий Осиёга қайта бошлади. Бунинг охири беш йилда инвестициялар 2,8 баробарга, чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналар сони 1,8 баробарга ошгани ҳам тасдиқлайди.

Яқинда мамлакатимизга ташриф буюрган Саудиянинг етакчи компаниялари раҳбарларидан иборат нуфузли делегация вакиллари, хусусан, Саудия Арабистони Подшоҳлиги инвестициялар вазири Холид ал-Фалих Ўзбекистон раҳбарининг инвестиция соҳасида юритаётган сиёсатиға баҳо берди. Президентимизнинг “Al Muhaidb Group”, “Vision Invest”, “Data Volt”, “Riyadh Cables”, “AlMajdiah”, “InterHealth”, “Saudi

Tabreed”, “AlBawani Holding”, “Miahona”, “Pemco” ва бошқа илгор компания ва корпорациялар етакчилари билан бирга учрашувда қатнашган “ACWA Power” компанияси бошқаруви раиси Мухаммад Абунайян Ўзбекистон сўнгги саккиз йилда удалаган ишларни бошқа мамлакатлар асрлар давомида ҳам бажара олмаслигини алоҳида эътироф этди.

Имкониятлар мамлакатлари

Ўзбекистон ҳамда Саудия Арабистони ўртасидаги самарали ва узоқ муддатли инвестициявий ҳамкорлиқнинг яна бир ёрқин далили — янги Тошкент халқро аэропортининг қурилишига тама-л тоши қўйилиши бўлди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Янги Тошкент шаҳрида замонавий янги аэропорт қурилаётгани туризм ривожланиши, инвестициялар оқимининг кенгайишига кенг йўл очиб, Ўзбекистоннинг чин маънодаги имкониятлар мамлакатига айлантиради. Жумладан, келгуси беш йилда авиапаркдаги ҳаво кемалари 180 тага, йўналишлар 230 тага, маҳаллий ва халқро авиақатновлар сони эса йилга 200 мингга етказилади. Бунинг натижасида Ўзбекистон Шарқ ва Ғарб, Жануб ва Шимолни bogʻловчи йирик авиация хабиға айланиши мумкин.

Сўнгги саккиз йилда пойтахтга авиайўловчилар оқими 3 қарра ошиб, йилга 9 миллионга етган бўлса, 2040 йилга бориб, бу кўрсаткич 24 миллиондан ошishi кутилляпти. Лекин йилга 11 млн. одамға хизмат

кўрсатадиган ҳозирги аэропорт шаҳар ҳудудида жойлашгани учун уни кенгайтиришнинг имконияти йўқ эди. Шу боис Ўрта Чирчк ва Қуйи Чирчк туманларидаги 1 300 гектар майдонда янги халқро аэропорт барпо қилинмоқда. Бу бунёдкорлик ишларида Саудия Арабистоннинг “Vision Invest”, Япониянинг “Sojitz” ва Жанубий Кореянинг “Incheon” компаниялари иштирок этади. Халқро консорциум билан ҳамкорликда амалга ошириладиган лойиҳа 4 босқичдан иборат бўлиб, биринчи босқичда 2,5 млрд. доллар эвазига аэроқокзал ҳамда аэродром қурилади. Бу билан терминаллар орқали йилга 20 млн. нафар йўловчи ва 129 минг тонна юк ўтказиш, соатиға 30 та унишқўш операцияларини бажариш, 14 та телескопик трапдан фойдаланиш ҳамда бир вақтнинг ўзида 62 та ҳаво кемасини сақлаш имконияти яратилади. Ушбу аэропорт авиация хизматлари сифатини ошириш, парвозлар хавфсизлигини таъминлаш, техник жиҳатдан тартибга солиш бўйича Халқро фўқро авиацияси ташкилотининг талабларига тўлиқ жавоб беради. Энг илгор аэронавигация ва парвозлар хавфсизлигини таъминлаш тизимлари ўрнатилиб, ҳар қандай об-ҳаво шароитида самолётларини қабул қилиш мумкин бўлади.

Яна бир муҳим жиҳати, бу лойиҳа “яшил” стандарт тамойилларига жавоб берадиган минтақадаги биринчи аэропорт бўлади. Янги аэропортни қуриш орқали мўлтимодал транспорт bogʻламаси ташкил этилади. Ушбу ҳудуд Тошкент — Самарқанд, Тошкент — Андижон, Тошкент — Бўстонлиқ пулиқк автомобиль йўллариға уланади. Бу ерда замо-

навий темир йўл станцияси қурилиб, теозорар поезд қатнови йўлга қўйилади. Пойтахт ва Янги Тошкент марказлари шаттл транспорт хизматлари орқали bogʻланади. Энг асосийси, янги аэропорт ҳам иқтисодий жиҳатдан, ҳам давлат учун жозибадор бўлиб, у мамлакатимизға 27 млрд. доллардан ортиқ даромад келтириши ҳисоб-китоб қилинган.

Энергетика гигантининг қизикиши ортмоқда

Саудия инвесторлари мамлакатимизнинг энергетика, айниқса, муқобил энергияни ривожлантиришга катта қизик-чи билдирмоқда. Масалан, “ACWA Power” энергетика компанияси Ўзбекистон ҳудудида амалга оширадиган лойиҳалари ҳажми миллиардлаб долларға баҳоланади. Яқин ойларида янги энергетика қувватлариға энг муҳтож бўлган ҳудудларни аниқлаш учун батафсил баҳолаш ўтказилади. Компания бош директори Марко Арчелли янги ташаббусларнинг асосий мақсади ишлаб чиқариш қувватларини 3,5-4 ГВтдан 10 ГВтгача ошириш эканлигини таъкид-лади. Айни пайтда компания Қорақалпоғистоннинг Қўнғирот туманида йирк шамол электр станциясини ўз вақтида фойдаланишға топшириш учун қури-лиш-монтаж ишларини жадаллаштири-ди. Сабаби, электр станцияси ишға туширилиши натижасида йилға 17,5 млрд. кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Бу жараёнда 5,3 млрд. куб метр табиғий газ тежа-лади, шунингдек, атмосфераға 7,4 млн. тонна зарарли газлар чиқарилишининг олди олинади.

Аввалроқ, июнь ойида бўлиб ўтган

Бобир ТУРСУНОВ, Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Иқтисодий ва молиявий хавфсизлик кафедраси мудири, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

ЎЗАРО ИШОНЧ ВА ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Бугун Марказий Осиёда интеграция ва барқарор тараққиёт жараёнлари янги bosқичга кирди. Бундан саккиз йил олдин Ўзбекистонда бошланган янги давр бутун минтақани қамраб олди. Ўзгаришлар давлатлараро муносабатларда, шу худудда яшаётган халқлар ҳаётида ҳам ўз аксини топди.

Нуктаи назар

Худудий яқинлик — тараққиёт гарови

Маълуки, давлатлар ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатлари нафақат икки томонлама мафбаатлар учун, балки умумий минтақавий барқарорлик ва ривожланиш учун ҳам жуда муҳимдир. Бугунги кунда вужудга келган геосийосий вазият, турли қуроли тўқнашувлар, келишмовчиликларнинг аксарияти қўшни давлатлар ўртасида юз бераётгани фикримизнинг яққол тасдиғидир.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2016 йилдаёқ Марказий Осиёдаги яқин қўшнилар билан ҳамкорликни ривожлантириш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланди. Бу сиёсий курс минтақавий барқарорликни мустаҳкамлаш, иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш ва умумий муаммоларни биргаликда ҳал қилишга қаратилгани қўшниларимизда ҳам катта қизиқиш уйғотди. 2017 йилдан бошлаб эса Марказий Осиёдаги барча қўшни давлатлар — Қозоғистон, Қирғиз Республикаси, Тожикистон ва Туркменистон билан сиёсий мулоқот фаоллашди.

Президентимизнинг 2018 йил апрель ойида эълон қилинган Фармонида ўрта мuddатли истиқболда Ўзбекистон Республикасининг асосий хорижий шериклар билан ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тасдиқланди. Ушбу ҳужжатда Ўзбекистоннинг давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилиш жараёнини узил-кесил ниҳоясига етказиш ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан бири сифатида қайд этилгани катта аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистоннинг бундай ёндашуви Марказий Осиё давлатлари томонидан ҳам қизгин қўллаб-қувватланди. Қўллар қўлга берилди. Ўртага тушган совуқчилик дўстона меҳр тафти ила илklangди. Натижада ўзаро чегараларни аниқ белгилаш, делимитация ва демаркация қилиш масаласи минтақа давлатларининг ҳам ташқи сиёсатида муҳим йўналишлардан бирига айланди.

Марказий Осиё давлатлари билан яқинлашувимиз ташқи сиёсатимиздаги конструктив, амалий ва халқлар манфаатига хизмат қилувчи йўналишидир. Бундай ёндашув нафақат чегараларни, айтиш мумкинки, қалблар ўртасидаги масофаларни ҳам қисқартирди.

Хозирги дунёда содир бўлаётган геосийосий зиддиятлар, хавфсизлик муаммолари, йирик минтақавий моjarолар ҳамда барқарор тараққиётга нисбатан ижтимоий ва иқтисодий тахдидлар кучаяётган бир даврда Марказий Осиёда умумминтақавий ўзига хосликни шакллантириш жараёни бошлангани барчамизнинг катта ютуғимиздир. Зеро, ўзаро бирдамлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, минтақадаги кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш йўлидаги саяб-ҳаракатлар умумий тараққиётни таъминлашда муҳим омил бўлади.

Март ойида Хўжанд шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғиз Республикаси етакчиларининг уч томонлама учрашувида Давлат чегарасини делимитация қилиш тўғрисидаги шартнома имзолангани тарихий воқеалик бўлди. Бу барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлашга, бутун минтақанинг халқро нуфузини оширишга хизмат қилиши, шубҳасиз. Дўстлик стеласи эса қардош мамлакатлар ўртасида мустаҳкамланиб бораётган яхши қўшничилик, ишонч ва стратегик шериклик муносабатларининг янги рамзига айланди.

Бу тарихий ҳодиса барча соҳаларга ва ҳамкорлик йўналишларига ижобий таъсир қилади. Минтақа мамлакатлари табиий савдо шериклари бўлиб, уларнинг миллий иқтисодиётлари бир-бирини тўлдиради ва ривожлантиради. Ўзаро савдо ҳажмини ошириш учун товар айланмасида ички минтақавий савдонинг улуши сезиларли даражада ошишига ижобий туртки беради.

Чегараларнинг аниқ белгилан олиниши, биринчи навбатда, гоҳи-гоҳида содир бўлиб келган моjarолар ва қуроли тўқнашувларга батамом барҳам бериб, Марказий Осиёда тўлақонли эркин савдо худудини шакллантириш, маданий алоқаларни ривожлантириш, интеграцияни кучайтириш имкониятини кенгайтиради.

Ўзбекистон ташаббусларининг нафақат минтақа давлатлари етакчилари, балки оддий аҳоли вакиллари томонидан ҳам кенг қўллаб-қувватланаётгани кишини қувонти-

ради. Шу ўринда бир воқеани ёдга олайлик: Парижда бўлиб ўтган Олимпиада мусобақаларида кирғиз спортчисига ўзбек мураббийи ёрдам қўлини чўзгани кенг жамоатчилик томонидан илқ кутиб олинди. Мураббийнинг ёрдами орқали спортчи мусобақани муваффақиятли яқунлаб, юксак натижа қайд этди. Бу каби ҳолатлар давлатлар ўртасида дўстона муносабатларни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, умуминсоний қадриятлар — ўзаро ёрдам, қўллаб-қувватлаш, эҳтиром ва дўстликнинг янада яхшиланишига хизмат қилиши, шубҳасиз.

Таскиллаш керакки, бунгача ҳам минтақа давлатлари ўз мустақиллигини қўлга киритган илк йилларида ҳам ўзаро интеграциялашиш бўйича бир қатор уринишларни амалга оширган эди. Жумладан, ўша даврда Марказий Осиё иқтисодий ҳам-жамияти тўзилди. Аммо ички ва ташқи омиллар, давлат раҳбарларининг сиёсий қарашлари бу жараённи тўлиқ амалга оширишга имкон бермади. Сув-энергетика муаммолари, транспорт ва алоқа соҳасидаги мураккаблиklar, хавфсизликка оид тахдидлар ҳам вазиятга ўз таъсири-ни ўтказмасдан қолмади.

Бирдек тушуниб етилдики, ўзаро ихтилофларнинг кучайиши, турли келишмовчиликларнинг вужудга келиши, юзага келаётган мураккаб вазият минтақанинг хавфсизлигига жиддий тахдид солади. Бундай жараёнда ўзаро бирлашиш, дипломатик йўл билан муносабатларга путур етказиши мумкин бўлган ҳолатларнинг олдини олиш, юзага келаётган хафларга қарши қўчларни бирлаштириш энг муносиб ечим бўлади.

Давлатимиз раҳбари “Euronews”га берган интервьюсида бу борада сўз юритар экан, шундай деган эди: “Биз ана шундай реал ҳолатни англаб етиб, стратегик қарор қабул қилдик: Марказий Осиёда конструктив, яхши қўшничиликка асосланган ва ўзаро манфаатли муносабатларни bosқичма-bosқич барпо этиш. Бу ёндашувнинг замирида ўзаро ишонч ва ҳурмат, умумий манфаатларни ҳисобга олиш ва тан олиш ётади.

Сўнгги йилларда Марказий Осиё тубдан ўзгарди, янги қиёфа касб этди — конструктив мулоқот, ишонч ва ҳар томонлама ҳамкорлик майдонига айланди. Бу эса мамлакатларимиз етакчиларининг умумий сиёсий иродаси туфайли амалга ошди. Бугун биз бу жараёнинг ортга қайтмаслиги ҳақида ишонч билан айта оламиз”.

Ўзбекистон ташаббуслари асрлар давомида бир халқ бўлиб жияш янган давлатлар томонидан қўллаб-қувватлангани вазиятни тубдан ижобий томонга ўзгартирди. Натижада нафақат чегара билан боғлиқ масалалар ҳал этилди, балки савдо алоқаларини рағбатлантириш учун чегараолди савдо худудлари ташкил этилмоқда, қўшма инвестиция жамғармалари ишга тушириляпти, йирик инфратузилма ва саноат лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Қўшниларимиз билан янги танлаган йўлимиз иқтисодий тараққиёт ва савдо алоқаларини ривожлантириш, сармоядорлар учун ишончли муҳит яратишга хизмат қилади. Бундан ташқари, транспорт ва логистика имкониятлари кенгайди, халқро бозорларга чиқиш осонлашади, ер ости ва ер усти ресурсларидан самарали фойдаланиш имконияти ошади. Натижада эса иқтисодий ривожланиш тезлашади.

Минтақавий сиёсий мулоқотнинг янги bosқичи

Мазкур жараёнда Ўзбекистон етакчиси ташаббуси билан Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви вужудга келди. Бу учрашув минтақавий мулоқотнинг янги даврини бошлаб берди ва у ўз самарасини узоқ куттирмади. Бугун энг мураккаб масалалар ҳам бирор-бир халқро ташқи мулолар ёки воситачилар иштирокида эмас, ўзаро музокаралар орқали дипломатик йўл билан ҳал этиляпти. Қирғиз Республикаси ва Тожикистон ўртасидаги давлат чегарасини делимитация қилиш масаласининг узил-кесил ҳал этилиши эса фикримизни яққол тасдиқлайди. Бунинг аҳамияти жуда юқори бўлиб, Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашда ҳал қилувчи қадам ҳисобланади ҳамда бутун минтақа давлатлари манфаатларига хизмат қилади. Муаммоли чегара худудларининг ҳал этилиши тарихий норозиликларга барҳам бериб, халқларимиз ўртасидаги ишончни мустаҳкамлади. Сиёсий, иқтисодий ва гумани-

тар соҳалардаги ҳамкорликни янги даражага олиб чиқди.

Чегара муаммосининг ҳал этилиши, энг аввало, чегараолди худудларда яшовчи аҳоли учун ижобий ўзгаришлар олиб келиши, шубҳасиз. Аниқ ва келишилган чегаралар инсонлар учун хавфсизлик, давлат хизматларидан бемалол фойдаланиш ва иқтисодий фаолиятни эркин амалга ошириш имкониятини яратди. Бу эса халқ турмуш даражасининг ошишига хизмат қилади. Бундай муаммолар қурол билан эмас, ақл, мулоҳаза ва ўзаро ҳурмат билан ҳал этилиши мумкинлиги яна бир бор исботланди.

Тожикистон ва Қирғиз Республикаси ўртасида давлат чегарасини делимитация қилиш бўйича келишувга эришилгани ҳамда тегишли шартномалар имзолангани катта ютук бўлиб, минтақавий барқарорлик ва тараққиётга катта ҳисса қўшади. Шунингдек, Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғиз Республикаси давлат чегараларининг туташ нуктаси тўғрисидаги шартнома ҳам халқро нуфузни мустаҳкамлайди.

Мухтасар айтганда, яқин қўшничилик муносабатларида ўзаро ишонч ва ҳамкорликнинг мустаҳкам бўлиши барча давлатлар учун манфаатлидир. Бу нафақат сиёсий барқарорлик ва хавфсизликни таъминлайди, балки иқтисодий ривожланиш, савдо, маданият, таълим ва экологик барқарорликка ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Дўстона алоқаларни кучайтириш орқали давлатлар нафақат ўз худудий манфаатларини ҳимоя қилади, балки

“*Хозирги дунёда содир бўлаётган геосийосий зиддиятлар, хавфсизлик муаммолари, йирик минтақавий моjarолар ҳамда барқарор тараққиётга нисбатан ижтимоий ва иқтисодий тахдидлар кучаяётган бир даврда Марказий Осиёда умумминтақавий ўзига хосликни шакллантириш жараёни бошлангани барчамизнинг катта ютуғимиздир. Зеро, ўзаро бирдамлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, минтақадаги кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш йўлидаги саяб-ҳаракатлар умумий тараққиётни таъминлашда муҳим омил бўлади.*”

умумий тараққиёт ва фаровонликка ҳам эришади.

Манфаатли интеграция орқали умумий келажаk сари

Марказий Осиё — бу нафақат географик атама, балки ўзаро ишонч ва умумий келажаk сари қаратилган саяб-ҳаракатлар майдонидир. Ўзбекистон эса бу жараёнда фаол ташаббускор ва масъул ҳамкор сифатида ўз урнини тобора мустаҳкамлаб борапти.

Сўнгги йилларда Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик ва интеграция жараёнлари янги bosқичга кўтарилди. Минтақа давлатлари ўзаро ишонч, конструктив мулоқот ва умумий манфаатлар асосида алоқаларни чуқурлаштириб бормоқда. Интеграция нафақат сиёсий ва иқтисодий, балки гуманитар, маданий, экология ва хавфсизлик соҳаларида ҳам амалий мазмун касб этмоқда. Минтақадаги интеграция нафақат ташқи тахдидларга қарши биргаликда жавоб бериш, балки кенг иқтисодий салоҳиятни рўёбга чиқариш, халқлар ўртасидаги ҳамжиҳатликни таъминлаш имкониятини яратмоқда. Ўзбекистоннинг бу борадаги фаол сиёсати эса интеграция жараёнларига амалий мазмун бахш этиб, барқарор келажаk сари йўл очмоқда.

Мамлакатимиз қўшниларимиз билан аввалги йилларда баҳсли бўлиб келган сув-энергетика масалаларида ҳам ҳамкорликка тайёр эканини намоён этмоқда. Мисол сифатида Тожикистон билан “Роғун” ГЭСи бўйича мулоқот қайта тиклангани, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғиз Республикаси ўртасида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича уч томонлама келишувга эришилганини келтириб ўтиш мумкин.

Марказий Осиё халқлари тарихи, тили ва маданияти муштарақ. Қўшниларимиз билан маданий алмашув, таълим соҳасида стипендиялар ва қўшма дастурлар кенгайиб борапти. Жумладан, Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғиз Республикаси олий таълим муассасалари ўртасида қўллаб академик ҳамкорлик шартномалари имзоланиб, муваффақиятли амалга ошириб келиняпти. “Ипак йўли” маданий меросини сақлаш ва ривожлантириш соҳасида қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Савдо алоқаларини рағбатлантириш учун чегараолди савдо худудлари ташкил этиш, қўшма инвестиция жамғармалари фаолиятини жонлантириш, транспорт йўлаklarини ривожлантириш орқали жаҳон бозор-

ларига чиқиш имкониятларини кенгайтириш, йирик инфратузилма ва саноат лойиҳаларини амалга ошириш, табиий ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, иқтисодиёт учун “яшил” энергетика улушини ошириш интеграциялашувнинг бугуни ва эртаси учун устувор йўналиш сифатида белгилаб олинган.

Ўзбекистон бу борада учта устувор йўналиш — минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш ва экологик барқарорликни таъминлашга катта эътибор қаратмоқда.

Ҳамдўстлигимиз ва бирдамлигимиз олдимизда турган умумий глобал масалаларни ҳал қилишда муносиб ечимлар тақдим этади. Минтақамизнинг географик жойлашуви ташқи савдо юklarини ташиш харажатлари улуши товар яқуний қийматининг 50 фоизига етишини тақозо қилмоқда. Самарали транспорт йўлаklarини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар қабул қилиниб, уларни амалга оширишга киришилгани Европа Иттифоқи, Хитой, Жанубий ва Жануби-шарқий Осиё ҳамда Яқин Шарқ бозорларида қийишда бир қатор енгилликларни тақдим этади.

Умумий майдони қарийб 4 миллион квадрат километрни ташкил қилса-да, Марказий Осиё давлатлари, Каспий денгизини ҳисобга олмас, катта сув хаззаларига фақатгина бошқа давлатлар худуди орқали чиқади. Шу боис ўзаро транспорт логистикасини ривожлантириш зарурат ҳисобланади. Ўзбекистон томонидан таклиф этилган Транспорт ва транзит тўғрисидаги битимни қабул

«Яшил» ривожланиш ва «тоза энергия» маркази

Минтақа давлатларининг интеграциялашувиди яна бир муҳим йўналишларидан бири, бу — Марказий Осиёни “яшил” иқтисодий ривожланиш ва “тоза энергия” марказларидан бирига айлантириш мақсади ҳисобланади.

Хозирги глобал иқтисодий тартибда “яшил иқтисодиёт” концепцияси барча давлатлар учун устувор стратегик йўналишга айланди. Хусусан, иқлим ўзгариши, табиий ресурсларнинг чекланганлиги ва экологик хавфлар XXI асрда инсоният олдида турган долзарб масалалар сирасига кирди. Ушбу глобал муаммолар ечимида Марказий Осиё минтақаси фаол қатнашмоқда. Табиий ресурсларга бой, куёш ва шамол энергиясидан унумли фойдаланиш имкониятига эга бўлган ушбу худуд “яшил” иқтисодиёт ва “тоза энергия” салоҳияти бўйича стратегик минтақа сифатида намоён бўлмоқда.

Марказий Осиё мамлакатларининг “яшил” иқтисодиётга ўтишдаги умумий ёндашуви ўхшаш бўлиб, минтақа давлатлари томонидан “яшил” иқтисодиётга ўтиш бўйича стратегиялар ишлаб чиқилиб, қабул қилинган. Жумладан, мамлакатимиз “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида “яшил энергетика”, “экологик инвестициялар” ва “иқлим мувозанатини сақлаш” борасида аниқ мақсадларни белгилаган. Ўзбекистон Республикасида “яшил” иқтисодиётга ўтиш ва “яшил” ўсишни таъминлаш дастури доирасида қайта тикланувчи энергия манбаларининг ишлаб чиқариш қувватини 15 ГВтга ошириш ва уларнинг улушини электр энергиясини ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 30 фоизидан кўпрогига етказиш, саноат соҳасида энергия самарадорлигини камида 20 фоизга ошириш каби аниқ мақсадлар белгилаб олинган.

Қозоғистон “2030 йилгача тоза энергия дастури”ни қабул қилган бўлиб, шамол ва куёш электрстанцияларини кенг жорий этиш орқали CO₂ чиқиндисини камайитиришни мақсад қилган. Қирғиз Республикаси ва Тожикистонда гидроэнергетика салоҳияти юқори бўлиб, бу минтақанинг “тоза энергия” таъминотида муҳим ўрин тутди. Туркменистон газ ресурсларини “яшил” технологиялар асосида қайта ишлаш лойиҳаларини амалга оширмоқда.

Марказий Осиёда “яшил” лойиҳаларга халқро сармоя жалб этиш борасида ҳам ижобий ўсиш кузатишмоқда. Айниқса, Оролбўйи худудида куёш ва шамол электрстанциялари каби (Навоий, Бухоро ва Қорақалпоғистонда) йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Қозоғистон Хитой ва Европа инвестициялари ёрдамида шамол станцияларини кенгайтирмоқда. Қирғизистон ва Тожикистонда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича трансчегаравий гидроэнергетика дастурлари ривожланимоқда. Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки бу жараёнда фаол иштирок этмоқда. Уларнинг қўмагида минтақада “яшил банклар”, “экологик сўғурта” ва “карбон кредитлари” каби инновацион молиявий инструментлар жорий қилинмоқда.

Иқлим ўзгариши, чўлланаш ва сув танқислиги Марказий Осиёда умумий экологик хавфлардир. Бу борада давлатлар Орол атрофидаги экологик офатни бартараф этиш учун қўшма эколойиҳалар амалга оширяпти. Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида механизмлар ва квоталар жорий қилинмоқда. Марказий Осиё иқлим форуми, Тошкентдаги иқлим конференцияси, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси каби платформалар орқали мулоқот ва тажриба алмашинувини кучайтирмоқда.

Марказий Осиё мамлакатлари “яшил” иқтисодиётни экологик барқарорлик, иқтисодий ўсиш ва янги иш ўринлари яратиш учун стратегик восита сифатида қабул қилмоқда. Табиий ресурсларга бойлик, куёш ва шамол энергияси салоҳияти, ёш аҳоли улушининг юқорилиги бу йўналишдаги асосий устунликлардир.

Келгусида минтақанинг тоза энергия марказига айланиши фақат ички тараққиёт учун эмас, балки глобал иқлим ҳимоясидаги улушини ошириш нуктаи назаридан ҳам жаҳон аҳамиятига эга бўлади.

Ўзбекистоннинг минтақа давлатлари билан муносабатлари нафақат дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш, балки ўзаро манфаатли ва барқарор ривожланишга йўналтирилган. Бу сиёсат минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш ҳамда умумий иқтисодий тараққиётга замин яратишда муҳим омил ҳисобланади.

Нодир ЖУМАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг
Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари
қўмитаси раиси,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор,
Одильон ИМИНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг
Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари
қўмитаси раис
ўринбосари,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

ХУКУКИЙ САВОДХОНЛИК

ЯГОНА ЭЛЕКТРОН ГУВОҲНОМА НАМУНАСИ ТАСДИҚЛАНДИ

“Вазирлар Маҳкамасининг “Автомотор-транспорт воситалари ва шаҳар электр-транспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш бўйича нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 31 майдаги 408-қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қарор қабул қилинди.

Қарорга кўра, ўқув ташкилотида автоматотранспорт воситалари ва шаҳар электр-транспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш бўйича таълимни тугатиб, имтиҳонлардан муваффақиятли ўтган номзодларга ўқув ташкилоти томонидан имтиҳон комиссияси баённомасига асосан таълимни битирганлик ҳақида ягона намунадаги электрон гувоҳнома шакллантирилади.

Бундай гувоҳномалар ўқув ташкилотлари томонидан автоматотранспорт воситалари ва шаҳар электр-транспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш бўйича таълимни тугатиб, имтиҳонлардан муваффақиятли ўтган номзодларнинг маълумотлари асосида ДИЙХХ Ягона ахборот тизимининг “e-avtota’lim.uz” модули орқали автоматик равишда шакллантирилади.

Ушбу электрон гувоҳномалар учун йиғим ундирилмайди.

АЙРИМ ЎҚИТУВЧИЛАРГА СЕРТИФИКАТ БЕРИШ ТАРТИБИ БЕЛГИЛАНДИ

Хукумат қарори билан тасдиқланган “Музыка маданияти фани ва жисмоний тарбия фани ўқитувчиларининг билим даражасини ва касбий маҳоратини аниқлаш ҳамда уларга сертификат бериш тартиби тўғрисида”ги низом музыка маданияти ва жисмоний тарбия фанлари ўқитувчиларини кенг жорий этиш орқали CO₂ чиқиндисини камайитиришни мақсад қилган. Қирғиз Республикаси ва Тожикистонда гидроэнергетика салоҳияти юқори бўлиб, бу минтақанинг “тоза энергия” таъминотида муҳим ўрин тутди. Туркменистон газ ресурсларини “яшил” технологиялар асосида қайта ишлаш лойиҳаларини амалга оширмоқда.

Марказий Осиёда “яшил” лойиҳаларга халқро сармоя жалб этиш борасида ҳам ижобий ўсиш кузатишмоқда. Айниқса, Оролбўйи худудида куёш ва шамол электрстанциялари каби (Навоий, Бухоро ва Қорақалпоғистонда) йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Қозоғистон Хитой ва Европа инвестициялари ёрдамида шамол станцияларини кенгайтирмоқда. Қирғизистон ва Тожикистонда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича трансчегаравий гидроэнергетика дастурлари ривожланимоқда. Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки бу жараёнда фаол иштирок этмоқда. Уларнинг қўмагида минтақада “яшил банклар”, “экологик сўғурта” ва “карбон кредитлари” каби инновацион молиявий инструментлар жорий қилинмоқда.

ЧЕГИРМАЛАРНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛДИ

Заргарлик соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларига ҳар томонлама қўмаклашиш ҳамда аҳолининг юқори сифатли маҳаллий заргарлик буюм-қўлига бўлган талабини қондириш мақсадида “Заргарлик соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинди.

Мазкур ҳужжат билан давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 23 декабрдаги 452-қарорининг 2-бандига мувофиқ қимматбаҳо металлрини биржа савдолари ҳамда тўғридан-тўғри шартномалар орқали сотишда бериладиган чегирмаларнинг амал қилиш муддати 2029 йил 1 февралга қадар узайтирилди.

АЛОҲИДА ТУМАН (ШАҲАР) ВА МАҲАЛЛАЛАР НАМУНАЛИ ХУДУДГА АЙЛАНТИРИЛАДИ

Ўзбекистон Президентининг “Алоҳида туман (шаҳар) ва маҳаллаларни аҳолининг яшаши ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун намунали худудга айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, алоҳида туман (шаҳар) ва маҳаллалар намунали худудга айлантирилади.

“Янги Ўзбекистон қиёфасидаги туман (шаҳар)” лойиҳаси доирасида ҳар йили камида 50 млн. АҚШ доллари эквиваленти миқдоридан инвестицияларни жалб қилган ҳолда озик-овқат, мебелчилик, қурилиш материаллари, тикувчилик ва бошқа иxtиссослаштирилган йўналишларда камида 10 тадан йирик инвестиция лойиҳалари ишга туширилади.

Илгари ўш маҳсулоти билан ташқи бозорларга чиқмаган камида 3 — 5 тадан қорхона экспорт фаолиятига жалб қилинади. Хорижий давлатлардан технолог, маркетинг, бренд-менеджер каби мутахасссларни жалб қилган ҳолда камида дати қорхонада миллий бренд маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Ўн нафардан тадбиркорлар чет давлатларда ўтказиладиган иxtиссослаштирилган саноат кўргазмаларига тажриба алмашиш учун юборилади.

«Халқ сўзи».

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ТАФСИЛОТЛАР

Наманганнинг Тўрақўрғони асл узум-лари билан машхур. Мазкур туманининг Хўжанд маҳалласидаги хонадонларнинг

Қиёматли қўшнилари

ҳар бири ишқомли. Баланд-баланд сўри-тоқларга тараб қўйилган тоқлардаги қуёшдан тафт олган узум шингиллари куз келмай туриб тилларанг тусга кира-ди. Бу ишқомли ҳовлиларда ҳар боши

кило-кило тош босадиган "Ризамат ота", "Келинбармоқ", "Кас-кас" деган меваси йирик донали навлар экилади. Таъми ёқимли, шираси тилни ёради, шу боис хариддоргир.



лан кўпроқ ишлашимга тўғри келган, — дейди ҳоким ёрдамчиси Ф. Камолов. — Бугун бундай муро-жаатлар кескин камайди. Мутасад-дилар кўрсаткичлар даражаси мут-тасил ўзгараётганидан хайратлани-шади. Биргина жорий йилда ижти-моий фойдалаи юмш билан банд бўлмаганлар сони кескин қисқариб 1,4 фоизга тушди. Камбағаллик то-ифасидагилар икки фоизга келти-рилди. Бу, энг аввало, одамларнинг замонга шукронаси, томорка имко-ниятларидан оқилона фойдаланиб, ўзини ўзи банд қилаётгани, тадбир-корликнинг бошқа йўналишлари муттасил кенгайиб бораётганидан далолат беради.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ («Халқ сўзи»).

ТЎРАҚЎРҒОННИНГ

ИШҚОМЛИ ҲОВЛИЛАРИ

Кейинги йилларда хорижий бо-зорларда ҳам Тўрақўрғон узумла-рининг донги кетгани сабабли ма-ҳаллаларда узумчилик савдоси бил-ла шуғулланадиган тадбиркорлар ҳам кўпайиб бормоқда. Улар пишиқ-чилик мавсуми келиши билан хо-надонларда етиштирилган ҳосилни махсус идишларга қадоклаб, Рос-сия, Қирғизистон, Қозғистонга экспорт қилиш ҳаракатига тушади. — Маҳалламизда 672 хонадон-нинг 470 таси узумчилик билан шу-ғулланади. Узумчилик ҳудуднинг асосий драйверига айланди, — дей-ди фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси Фахриддин Камолов. — Уларда йилга ҳаммаси бўлиб 1100 тоннадан зиёд ҳосил етишти-рилиб, бозорга чиқарилади. Бу Хўжандга 8,5 млрд. сўмдан ортиқ маблаг қилиб келади, дегани. Халол меҳнат билан топилаган пуллар аҳолининг яхши қулирига сарфла-наётгани билан қадри.

Ўз ишига уста сохибкорларнинг катта қисми мустақилликнинг даст-лабки йилларида янги кўчага қўчиб келган. Унга рамзий маънода "Ўзум-зор" дея ном берилганининг саба-би ҳам шунда. Бу ерга келган меҳ-мон мезбонликка кўча бўйлаб узундан-узук қўзилиб кетган ишқом-

лар оралаб кириб боради. Кўзни қувонтирадиган манзара: ёзнинг жа-зирамасида соя-салқинлик, кун са-йин тўлишиб борадиган узум бош-лари — ҳаммаёқ тўқинчилик. Ҳов-лиси рўпарасидаги тоқларга ҳам бирдек меҳр берган омилкорлар 40 — 50 тулпаб тоқ парваршила-шади. Етиштирадиган ҳосили, ола-диган даромади ҳам шунга яраша. Масалан, 39-уйда истиқомат қилув-чи Насриддин Шарофиддинов оила-си бу ишда олдинги сафда. — Отам ҳам узумчилик билан шу-ғулланган, — дейди узук йиллар жа-моа ҳўжалигида ҳисобчи бўлган Насриддин ака. — Салкам саксонга киргунга қадар ишқомдан тушмаган бу инсонни кўпчилик уста богбон сифатида яхши танишади. Хўжанд-да узумчиликдан хабари бўлмаган инсонни топиш қийин. Тўрт ўлим-дан ташқари, хатто келинларин тоқ-ларни кесиш, хомтоқ қилиш, бошқа юмушларда мен ва аёлимга ёрдам-чи. Ҳовлимиздаги бундан 15 — 20 йил аввал экилган 120 тулпадан кўпроқ тоқлар ҳозирга келиб роса қувватга тўлди. Ўтган йили 10 тон-надан кўпроқ узум етиштириб, унинг 7 тоннасини экспортга чиқардик. Даромадимиз 120 миллион сўмдан ошган. Бу йил ҳам чакки эмас.

Насриддин аканинг рўпарасида яшайдиган Рустамжон Боййигитов ҳам аввалига хоббиси бўлган бу ишни эндиликда сеvimли машғу-лотига айлантирган. Узумни сотишдан ортирган маблагларини қўшимча равишда яна бир бизнес — қўйчи-ликка йўналтирганидан сўнг топ-ган-тутганига янада барака кирди. Ҳовлидаги кўрага 10 та ҳисори қўйни боғлаб қўйган, ҳар олти ойда етилганини бозорга чиқариб, янги-си ҳам алмаштириб туради. Атроф маҳалладагилар Хўжанд-га "бой маҳалла" дея ҳавас билан қарашади. Бойси бу ерда яшовчи аксариятининг ҳаммени бақувват, дасти узун. Оилавий бизнесдан топ-ганларини замонавий уйлар қуриш, рўзгор тўқинлиги, ўғил-қизларини ўқитишга сарфлашяпти. Маҳалла ободлиги, эҳтиёжманд қўшниларга сийлаи раҳм кўрсатиш қўпчилик учун одатга айланган. Масалан, бир неча йил аввал турмуш ўртоғи ва-фот этиб, боқувчисиз қолган Зул-фия Жоркиновани қўни-қўшнилари ёлғизлатиб қўйишмади. Ўтган йили қўпчилик кўмаги билан икки хонали тураржойи мукаммал таъмирлаб бе-рилди, дарвозаси янгиланди. Бунга қўшимча хонадонга икки киловаттли қуёш панели ўрнатилди. Мак-

БУГУН ТЕЖАМАСАК,

ЭРТАГА ТОПОЛМАЙМИЗ



погистон сув ҳўжали-ги тизимида илгари қўлланилмаган учта инновацион техноло-гия намойиш қилинди. Улардан бири "ковш-косилка" бўлиб, бу техника ёрдамда кон-лектор ҳамда канал-ларни қамшилардан тозалаш йўлга қўйил-ди. Яна бир янги тех-нология — каналга бе-тон ётқизувчи махсус машина келтирилди. Кўл кучи ёрдамида қўл неча ўнлаб иши-лар кунига 40 — 50 метр бетонласа, ушбу техника ёрдами-да соатига 60 метр ички ка-нални бетонлаш имкония-ти яратилди. Бугунги кунда ҳудудларда бетон ўрнини бо-сувчи янги инновацион те-хнология — ички ариқларга қуруқ бетон тўшмаси ҳам ётқизилмоқда. Албатта, бу усул харажатларни камай-тириб даромадни ошириш, сув йўқотишларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Нукусдаги "Дўстлик-1" сув тақсимлаш иншоотида сув ҳўжалиги тизим тақсимотла-ри иштирокида ўтказилган тадбирда ҳам Тахтакўпир,

Кораўзак, Чимбой, Қонлиқўл, Шуманай туманларидаги "Сув етказиб бериш хизма-ти" давлат муассасаларининг моддий-техника базасини янада яхшилаш мақсадида қўшимча 5 та экскаватор бе-рилди. Сув ҳўжалиги тизими тақшилотларида ишловчи 55 нафар ходимга скутер ка-литлари топширилгани сув таъминоти оғир ҳудудлардаги муаммоларни ҳал этишда му-ҳим ўрин тутиши, шубҳасиз.

Ғайрат ОТАЖОНОВ («Халқ сўзи»).

ЁРУҒ КУНЛАР

ҚАДРИ

Учқудуқлик Мустафо ота Муродов бугун умрининг саксонинчи фаслида ҳам ёшига нисбатан анча тетик. Кафтдеккина ҳовлисида рўзгор юмушлари билан андармон. Нигоҳларида ажиб шукроналик, мамнуллиқни илғайсиз. Бойси, ҳаёт аталмиш тирикликдан улурок неъмат, унинг мазмундорлигидан теранроқ бойлик йўқ.

Шукроналик



— Қирқ саккиз йиллик меҳ-нат фаолиятим давомида уч жойда ишладим, — дейди оқоқол. — Ўн уч йил қишло-ғимиздаги мактабда тарих фанидан дарс бердим. Кейин Самарқанд Қишлоқ ҳўжалиги институтини сиратдан тамо-млаб, давлат ҳўжалигида ўн тўрт йил директор ўринбоса-ри, мустақилликнинг дастлабки йилларида "Минг-булоқ" овул фуқаролар йиғи-нига раислик қилдим.

М. Муродов ҳар бири ёстидек альбомларни varaқ-лайди. Тўртта вилот маркази-дан тўрт оз километр олис-ликдаги мўъжазгина қишлоқ-нинг оқоқол фаолияти бил-ла боғлиқ ўтмиши муҳрлан-ган. Қишлоқда Иккинчи жа-ҳон урушида ҳалок бўлганлар хотирасига ёдғорлиқ ўрнатиш, қишлоқ қабристо-нига девор айлантириб обо-донлаштириш, электр тар-моқларини тортиш, ёзги ки-нотеатр, йўл қурилиши, қис-қача айтганда, инфратизим-нинг барча қўлайликлари бе-восита оқоқолнинг депу-татлик фаолияти масараси, дейиш мумкин. Бойси у 1976 йилдан эътиборан халқ депутатлари Учқудуқ тумани Кенгашига улзуксиз депутат этиб сайланди.

Овулдаги қурилишларнинг ҳар бири маблаг талаб этиб, ўша йиллар, энг аввало, улар-нинг самарадорлиги инобат-га олинарди. Табиийки, бу қанчадан-қанча қорғозбозлик деган гап.

— Овулдаги шифохона-мизга УАЗ "тез ёрдам" ма-шинаси ахратилиши маса-ласида ўн марталаб Навоий-га бордим, — дейди М. Му-родов. — Ҳар сафар "навба-ти билан", деб қайтариб юбо-ришарди. Мен ҳам қўймадим, охири ажратилди.

Мустафо ота Муродов-нинг депутатлик фаолияти-даги жонқуярлигига бежиз тўхталмадик. Оқоқол яқин-да яна вилот ҳокими қабу-лига кирди.

— Фарзандларимнинг ҳам-маси уйли-жойли, рўзгорим-даям ҳеч бир камчилик йўқ, — давом этади Мустафо ота. — Яқинда Учқудуқнинг тўрт-беш овулидаги ўзгаришлар-

ни кўриб бошим осмонга етди. Мингбулоқ овулидаги 11-мактаб, 4-давлат мактаб-га таълим тақшилоти ҳамда оилавий шифокор пункти тўлиқ капитал таъмирдан чи-қарилганидан аҳоли миннат-дор. Кафтдеккина овулнинг ички йўллари асфальтланиб, қўчаларга тунги чироклар ўрнатилди. Овул мактабига марказдан келиб дарс бера-диган ўқитувчилар учун 4 та уй қурилиб, аниқ фанлар бўйича педагог кадрлар тан-қислиги барҳам топан. ОШП шифокори ва ОФЙ профи-лактика нозирини ҳам хизмат уй-жойи билан таъминланиб-ди. Қайриб ўттиз йил овули-мизда бир чўп қадалиб, би-рон-бир иморат тикланган эмасди. Кейинги йилларда етти ухлаб тушимизга ҳам кирмаган ўзгаришлар рўй берди. Одамларимиз қўнгли-га эртанги кунга мустаҳкам ишонч қайтди. Очиги, ўза-ришларини телевизордан кўриб, бизларга бу янглик-лар қачон келаркан, дердик. Бугун шуларни кўриб туриб-миз. Минг қатла шукр, шу қўнларга етдик.

Албатта, ҳар бир умр унинг соҳиби қаби бетакдор. Бино-барин, у мамлакатимизнинг қайси гўшасида истиқомат қилмасин, бахтли яшаш, за-мон тақдим этаётган рўшно-ликлардан баҳраманд бўлиш-га ҳақли. Мустафо ота шулар ҳақида мулоҳазалар билди-раркан, дуога қўл очади.

Кексалик — уни ҳар ким ўзинча тушунади. Тиббиёт жисмоний қучсиқланиш деса, аҳли дониш шунчаки ҳаёт да-вом этмоқда, дея эътироф этади. Бир нарсани ака — кек-са дил жиндек эътибор, бир оғиз ширин сўзининг садаға-си. Иймонни самимиятта тик-кан кексаларнинг дуоси эса ижобат бўлади.

Темур ЭШБОЕВ («Халқ сўзи»).

Иқлим ўзгариши тўғай-ли табиат инъом этган бе-бахо неъмат — сув захира-лари йилдан-йилга камайиб бормоқда. Шу боис мамла-катимизда ҳам сув ресурс-ларидан самарали фойда-ланиш, тежамкор техноло-гияларни жорий этиш, ка-налларни бетонлаштириш борасида қўлмалли ишлар амалга оширилишига қи-ли-ниб, бетонлаштириш иш-ла-публикасида ҳам канал ва ариқларни бе-тонлаш, сув тежовчи техно-логияларини жорий қилиш, сувни етказиш ҳаракатла-рини қўқсатиришга қара-тилган ислохотлар катта са-мара бермоқда.

Янги технология

— Ҳудудимиздаги мавжуд каналларнинг 95 фоизи тулпоқ ўзанили бўлиб, сув йўқотишларни камайитириш мақсадида уларни бетон-лаштиришга катта эътибор қаратилимоқда, — дейди Қорақалпоғистон Республи-каси сув ҳўжалиги вазири Бахтиёр Юсупов. — Сир эмаски, яқин-яқингача мам-лакатимизнинг Шимоллий ҳудудида туб қисми тўлиқ бе-тонланган каналлар йўқ эди. Илк бор Хўжалиги туманида-ги "Ташли жап", "Ширин жап" каналлари қисқа муддатда бетонлаштирилиб, сўғориш мавсумида фойдаланилаёт-ганидан аҳоли миннатдор.

ри олиб борилмоқда. Клас-тер ҳамда фермер ҳўжалик-ларининг ички канал ва ариқ-лари бетонлаштирилаётгани эса уларнинг даромадлари-ни оширмоқда. Ўтган йили Қорақалпоғистон Республи-каси туманларидаги "Сув ет-казиб бериш хизмати" дав-лат муассасаларига 9 та экс-каватор олиб келинди. Ушбу замонавий техникалар кўма-гида каналлар ўз вақтида за-лангани боис энг олис овул-ларгача сув етиб бормоқда. — Жорий йилда каналлар-ни бетонлаш ишларини тез-лаштириш мақсадида барча туманининг "Сув етказиб бе-риш хизмати" давлат муас-сасалари 16 донга техника билан таъминланди, — дея давом этади Бахтиёр Юсупов. — Бу иш сифати ва самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқ-да. Яқинда Нукусда Қорақал-

СИФАТСИЗ ВА НОҚОНУНИЙ ҚУРИЛИШЛАР

Бугун юртимизнинг қайси шаҳар ва қишлоғига борманг, янги қурилаётган, таъмирланаётган замонавий бино ва иншоотларни кўрасиз. Янги уйлар, равон йўллар, таълим муассасалари, шифо масканлари, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари, йирик завод ва корхоналарнинг барчаси фаровонликдан, аҳоли учун юқори турмуш шароити яратилаётганидан нишона, албатта. Аммо айрим қурилиш объектларида "Мендан кетгунча, эгасига етгунча" қабилида иш тутилаётгани ачинарлидир. "Бирники мингта, мингники туманга" деганларидек, ҳозир аксарият одамлар баъзи билонларнинг сифатсизлигидан ташвишга тушмоқда. Бундай қурилишлар, асосан, давлат объектлари ҳамда қўштирлоқ ичидаги тадбиркор-қурувчилар қураётган кўп қаватли уйлар, ижтимоий соҳа объектларида кузатилади.

Очиқ гап

Самарқанд вилоти Қурилиш ва уй-жой коммунал ҳўжалиги соҳасида на-зорат қилиш ҳудудий инспекцияси то-монидан ўтказилган назорат ва мо-ниторинг тадбирлари давомида бир қатор шундай ҳолатлар қайд этилган-ни фикримизни исботлайди. Масалан, Самарқанд вилоти кўп тармоқли тиб-биёт маркази ҳудудида янгиқдан қури-лаётган бинода текширув ўтказилган-да жиддий қоидабузарлик аниқлан-ди. Қурилиш жараёнида шахарсозлик нормалари қоида-талаблари қўпол равишда бузилган, яъни базальт қоп-ламаси деворга ёпиштирилганда орқа қисмига тўлиқ елим суртилмаган. Объект ҳудудида қурилиш мадания-



Очиқ гап

тига ҳам рия этилмагани боис май-дон чикиндилар билан тўлган. Бу ерда йўл қўйилган камчиликлар юзасидан қурилиш тақшилоти масъулига ту-шуна берилиб, нўқсонлар жойида ту-затилади. Бу яхши, албатта. Аммо бундай камчиликлар инспекция назорати ёки буюртмачи эътиборидан четда қол-са нима бўлади? — Самарқанд шаҳрининг Семурғ маҳалласидаги Буюк Ипак йўли қўча-сида жойлашган кўп қаватли 11-уй-нинг 54-хонадонида мулкдор томони-дан уйнинг таянч конструкцияси бу-зилганлиги аниқланди, — дейди Са-марқанд вилоти Қурилиш ва уй-жой коммунал ҳўжалиги соҳасида назорат қилиш ҳудудий инспекцияси раҳба-рининг ўринбосари Ақобир Чоршан-

бюроси томонидан объектларда ҳа-ли-гача бузиш ишлари бошланмагани са-вол остида қолмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев-нинг "Қурилиш ва уй-жой коммунал ҳўжалиги соҳасида давлат назорати-ни самарали ташкил этиш чора-та-дбирлари тўғрисида"ги Фармони, Ва-зирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қури-лиш ва уй-жой коммунал ҳўжалиги со-ҳасида назорат қилиш инспекцияси ва Ўзбекистон маҳаллалари уюшма-сининг "Маҳаллаларда қурилиш ва уй-жой коммунал ҳўжалиги соҳасига оид қўнунбузилишларнинг олдини олиш юзасидан жамоатчилик назоратини таъминлаш ҳамда ваколатли орган-ларга хабар бериш ҳақида"ги қўша қарори қабул қилинганидан кейин ҳам ноқонуний қурилишлар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Наҳот, бунга мутасаддилар томо-шабин бўлиб турса? Ҳудудлардаги қурилиш бўлимлари томонидан объектлар устидан етарли назорат ўрнатилмаган. Биргина Самарқанд шаҳар қурилиш бўлими томонидан Зиёкорлар маҳалласида "Yuksek Group Sam" масъулияти чекланган жамия-тига якка тартибда уй-жой қуришга рўхсат берилган. Бироқ етарли на-зорат йўқлиги сабабли фуқаро томони-дан якка тартибда эмас, балки кўп қаватли уй-жой қурилмоқда. Ҳали

қўйдаланишга топширилмаган 41 та объект электр, газ, сув таъминотига уланиб, тўлақонли фаолият кўрса-таётганлиги аниқланган.

Савол туғилади: нима сабабдан электр, газ ва сув таъминоти корхо-налари уларнинг тармоққа уланishi-га рўхсат берган? Рўхсат бермаган бўлса, нега тармоққа уланish ҳолати-га кўз юмиб келинмоқда? Еки Самарқанд шаҳрининг Нарпай қўчасидаги "Селхозтехника" ва Кимё-гарлар шаҳарчаси 29-дахасидаги "Хуршид Барака Сервис" масъулияти чекланган жамиятлари томонидан қурилган кўп қаватли уй-жойларда ҳам аҳоли яшаб келаётганини қандай изохлаш мумкин? Бундай ҳолатларни қўрган бошқа қурувчилар ҳам объектни топширмасдан, давлатга солиқ тўламаздан ҳам фаолият кўрсатса бўларкан, деган ҳаёлга кел-майдими?..

Қаранки, бугунги кунда қурилиш муддати тугаган 644 та объект фой-даланишга топширилмаган. Бунинг оқибатида Давлат бюджетига ҳам солиқ тушумлари ундирилмапти. Хўш, бунга ким жавобгар? Сифатсиз ва ноқонуний қурилишлар қачон бар-ҳам топади?

Бундай ачинарли ҳолатлар бўйича мутасаддилар нима деркан?..

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ («Халқ сўзи»).

Бунёдкорлик

Қамаши туманининг Майданак баланд тоғ платосида жойлашган

Майданак обсерваторияси ноёб туристик объектлардан бирига айланмоқда. Денгиз сатҳидан қарий 2700 метр баландликдаги икки чўққида иккита обсерватория 1970 йилда барпо этилганди. Улар нафақат технологик имкониятлари, балки ҳудуддаги астроиқлимнинг ноёблиги бўйича ҳам жаҳоннинг энг олди обсерваторияларидан ҳисобланади. Айни пайтда Майданак тоғининг гарбий қисмида жойлашган асосий обсерваторияда илмий изланишлар давом этаётган бўлса, шарқий қисмдаги иккинчи обсерватория узок йиллардан буён фаолият қуритаётганди.

МАЙДАНАК

МЎЪЖИЗАСИ

Роппа-роса икки йил му-қаддам Президент Шавкат Мирзиёевнинг Қашқадарё ви-лоятига ташрифи чоғида Май-данак обсерваторияси жой-лашган ҳудудда туризм зона-сини барпо этиш бўйича бер-ган топшириқларига асосан фаолияти тўхтаб қолган иккин-чи обсерваторияни қайта таъмирлаб, астротуристтик объектга айлантириш, ҳудуд-да йирик сайёҳлик мажмуаси-ни тиклаш бўйича ишлар бошлаб юборилди. Натияжада туман марказидан 80 чакуриим узокликда, баланд тоғ чўққи-лари ортида жойлашган бу ҳудуд гажум масканга айла-ниб бормоқда.

— Илгари бу жойларга од-дий транспорт воситасида ке-лишининг имкони бўлмаган, — дейди тадбиркор Баҳром Ашу-

бу нарсалар ҳаммада бор, ту-ман марказига олиб бориб сотиш эса ўзини оқламади. Ҳозир кўпчилик йўл бўйига олиб чиқиб, сайёҳларга сотяп-ти. Бу бошланиши, туризм зо-наси тўлиқ ишга тушган, биз-да бу турдаги тадбиркорлик янада ривожланишига ишон-чим қилим.



роғ. — Майданак туризм зо-насини қуриш бўйича лойиҳа-лар илгари сурила бошланган, аввало, ҳудудга олиб келади-ган йўлларда кенг қамровли таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Тоғ йўлларида транспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатланиши учун шароит яратилди. Бугун ҳудуд-га туристтик хизматларни кўрсатиш учун сармоя кири-таётган тадбиркорлар сафи ҳам, сайёҳлар сони ҳам ор-тиб бормоқда. Биз ҳам ўтган йили Майданак обсервато-риясига олиб борадиган йўл бўйидан жой олиб, ўтов уй-лар барпо этгандик. Биринчи йил мижозлар анча кам бўлса, жорий мавсумда уларнинг сони сезиларли даражада ошди. Чўчки бу ердаги гўзал ва сокин манзара, тоза ҳаво, ёзда ҳам доим эсиб туради-ган салқин шабадани бошқа жойдан топиш қийин.

Туманнинг энг олис ҳудуд-ларидан бири — Катта ўра қишлоғидан ўтиб, тоғ чўққи-лари сари чиқиб бораркансиз, кўз ўнгингизда ҳудуднинг бе-такдор манзараси намоеён бўлади. Сайёҳлар оқими кўпа-яётгани бу чекка ҳудудларда ҳам ҳаёт жонланаётгани, аҳолига тадбиркорлик қилиш, қўшимча даромад топиш им-кониятлари кенгайиб бораёт-гани эътиборга молик.

— Ушбу махсулотларни ав-вал ҳам етиштиришдик, аммо истеъмолдан ортиқчасини сотиш ҳақида ўйламаганимиз, — дейди шу қишлоқлик Азиз Назаров. — Чўчки қишлоқда

Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ («Халқ сўзи»).

ҚАЧОН БАРҲАМ ТОПАДИ?..

БУХОРО САНЪАТ БИЕННАЛЕСИ

ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА СТРАТЕГИК ЛОЙИХА

Сўнгги йилларда туризм соҳаси Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг устувор йўналишларидан бири бўлди, десак, муболаға эмас. Шу боис мазкур соҳани изчил ривожлантириш, унинг кенг имкониятларини маҳаллий аҳоли ва халқаро миқёсда янада оммалаштириш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

2017 йилдан бошлаб виза тизимининг либераллаштирилиши, туризм инфратузилмасининг модернизацияси, ички ҳамда халқаро сайёҳликнинг қўллаб-қувватланиши орқали мазкур соҳанинг иқтисодий диверсификация қилиниши иш ўринлари яратиш ва мамлакатнинг ижобий имижини дунёга тарғиб этишда стратегик йўналишга айланди.

Мушоҳада

Хусусан, “Тўсиқсиз туризм” инфратузилмасини кенгайтириш дорасида 93 мамлакат фуқаролари учун виза тартиби бекор қилинди. Электрон виза орқали 56 давлат одамлари юртимизга ташриф буюриши мумкин. 47 мамлакат вакиллари учун транзит визасиз беш кунгача туриш ҳуқуқи берилди. 76 давлат фуқаролари учун туристик визани расмийлаштириш тартиби содда-лаштирилди.



ки уларни намойиш этиш, таҳлил қилиш ва муҳокамадан ўтказиш қўзланади.

Тарихга юзланганидан бўлса, биеннаселарни ўтказиш анъанаси 1893 йил Италиянинг Венеция шаҳрида бошланган. Венеция биенналесининг муваффақиятидан сўнг бошқа мамлакатларда ҳам бу гоа кенгайиб борди ва ХХ аср бошларида Бразилиянинг Сан-Паулу, Кубанинг Гавана, Франциянинг Париж, Туркиянинг Истанбул, Австралиянинг Сидней, БААнинг Шаржа, Жанубий Кореянинг Гвангжу сингари шаҳарлари ўз биеннаселарини йўлга қўйди.

2025 йил 5 сентябрь кўни Бухорода 1 халқаро замонавий санъат биеннаlesi ўз ишини бошлади. Марказий Осиёнинг энг диққатга сазовор маданий ташаббуси бўлган ушбу тадбир 70 кун — 20 ноябрга қадар давом этади.

Креатив кластер

Тадбирни ташкил этиш учун пухта тайёргарлик қўрилди. Дастлаб 3,5 гектар майдон тайёрланди, 14 та тарихий объект реставрация қилинди ва 70 та арт-объект ҳамда инсталляция яратилди. Бу манзил креатив кластерга айланди.

Биенналеда 40 та мамлакатдан 65 дан ортиқ машҳур расом ва уста ижодкорлар қатнашмоқда. Улар томонидан мунтазам равишда маҳорат дарслари, илмий-маърифий суҳбатлар, урчушувлар ўтказилмоқда.

Тадбирнинг очилиш маросимида 30 дан зиёд мамлакатлардан 300 га яқин юқори даражадаги расмийлар, халқаро ташкилотлар, йирик музейлар ва нуфузли маданий муассасалар раҳбарлари иштирок этди. Ай-

никса, Саудия Арабистони, БАА, Баҳрайн, Қатар каби араб давлатларининг юқори мартабали вакиллари қатнашгани алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Европа ва АҚШдан “Art Basel Paris”, “Cantor Arts Center”, “Guggenheim Foundation” каби нуфузли маданий марказлар раҳбарлари, шунингдек, Буюк Британия, Бразилия, Ҳиндистон, ЖАР, Колумбия, Корея Республикаси ва бошқа давлатларнинг таниқли расомлари, меъморлари ва санъат арбоблари иштироки тадбирнинг нуфузини янада оширди.

Жаҳон маданий таҳрибасига суянган ҳолда кўна ва ҳаммаш навқирон Бухоро шаҳрида ташкил этилаётган биеннале мамлакатимизда замонавий ва амалий санъат, хунармандчиликни қўллаб-қувватлаш ҳамда глобал маданий маконга интеграция қилиш, креатив индустрияда таълим, тадқиқот ва касбий маҳоратни ривожлантиришга ҳисса қўймоқда.

Шу билан бирга, юртимиз вакилларининг жаҳонга машҳур уста-иҷодкорлар билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш орқали уларнинг ишларини халқаро даражага олиб чиқиш, Ўзбекистоннинг туристик жозибадорлигини ошириш, маданий мерос объект-

гача нуфузли медиаларда 200 дан ортиқ материаллар эълон қилинди. Материаллар 2,9 млрд. мартадан ортиқ кўрилди.

Халқаро замонавий санъат биеннаlesi ўтказиладиган моддий маданий мерос объектлари сифатида Мағоки Аттори масжиди, Фатхуллоҳон карвонсаройи, Аёзжон карвонсаройи, Тасвирий санъат музейи, Олимжон карвонсаройи, Абдурахмон Аълам мадрасаси, Гавкушон мадрасаси ва ансамбли, Рашид мадрасаси, Хўжа Калон масжиди ва минораси, Нугай карвонсаройи, Улуғбек тамокифурушон карвонсаройи, Токи саррафон меъморий ёдгорлиги, Почоқул хожа масжиди ҳамда Аҳмаджон карвонсаройи танлаб олинган.

Глобал маданият пойтахтига айланаётган қадим кент

“Дардди қалбларга дармон” мавзудаги илк анжуманда юртимиздан ташқари жаҳоннинг турли минтақаларидан санъат вакиллари қатнашмоқда.

Статистик маълумотларга юзлана-

“Тўсиқсиз туризм” инфратузилмасини кенгайтириш доирасида 93 мамлакат фуқаролари учун виза тартиби бекор қилинди. Электрон виза орқали 56 давлат одамлари юртимизга ташриф буюриши мумкин. 47 мамлакат вакиллари учун транзит визасиз беш кунгача туриш ҳуқуқи берилди. 76 давлат фуқаролари учун туристик визани расмийлаштириш тартиби соддалаштирилди.

ларини санъат намойиши майдон-ларига айлантириш, сайёҳларда мунтазам қайта ташриф буюришга бўлган қизиқишни шакллантиришмоқда.

Бухорога келган туристлар сони ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 1,6 баравар ортиб, 1 млн. 224,2 минг нафарга етди. Бунда 570,8 минг хорижий, 653,4 минг маҳаллий сайёҳ оқими қайд этилди. Меҳмонхоналари банд қилиш даражаси 84 фоиздан 92 фоизга кўтарилди. Аҳамиятлиги, сайёҳларнинг Бухорода қолиш даври 1,5 кунга узайди.

Шу давр мобайнида хорижий туристларга қўрсатилган хизматлар бўйича 155,6 млн. АҚШ доллари тушуми қайд этилди. Тадбирга нуфузли ҳомиёлар фаол жалб қилиниб, улар томонидан 32 млрд. сўмлик ёрдам қўрсатилди.

Биеннале 40 дан ортиқ давлатларнинг журналист ва блогерлари томонидан кенг ёритилмоқда. Хозир-

диган бўлсак, ўтган 2024 йил давомида кўна шаҳарга 1 млн. 745 минг 200 нафардан зиёд хорижий сайёҳлар ташриф буюрган бўлиб, уларга қўрсатиладиган хизматлар орқали туризм экспорти 436,3 млн. АҚШ долларига етказилган. Шу билан бирга, мамлакатимиз ҳудудларидан Бухорога 4 миллиондан зиёд маҳаллий аҳоли сайёҳчи сифатида ташриф буюрган.

Туризмни ривожлантиришга қаратилган ишловлар туфайли бугунга келиб мазкур соҳа Бухоро вилояти-нинг асосий драйверларидан бирига айланди. Хусусан, бу ерга хорижий йилнинг январь — август ойларидан хориждан келган туристлар сони 1,5 млн. нафарга етиб, ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан қарийб 2 бараварга кўпайди ва туризм хизматлари экспорти ҳажми 400 млн. АҚШ долларида ошди.

Европанинг нуфузли канали



Жаҳон чемпиони Президент совғаси топширилди

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси (МОҚ)да оғир атлетика бўйича Норвегияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатининг ғолиб ҳамда совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.



Дунё биринчилигида 3 та олтин медални қўлга киритиб, 110 килограммгача вазн тоифасида мутлақ чемпион-

лионлиқа эришган Акбар Жўраев тегишли ҳукумат қарори асосида Президент совғаси — “BYD” автомо-били ҳамда бир марталик пул мукофоти билан тақдирланди. Шунингдек, мазкур йўналишда 2 та бронза медалига сазовор бўлган Руслан Нурудинов ва спортчиларимизнинг мураббийларига ҳам пул мукофоти топширилди.

Тадбирда Спорт вазирлиги, МОҚ ва мамлакат Оғир атлетика федерацияси раҳбарияти иштирок этди.

Ҳамюртларимизнинг Осиё ёшлар ўйинларидаги шиддати

Аввал хабар берилганидек, айни пайтда “Баҳрайн — 2025” III Осиё ёшлар ўйинлари қизғин давом этмоқда. Унда мамлакатимиздан спортнинг йигирма тури бўйича 200 нафарга яқин атлетлар фаол қатнашаётир.



Кечаги кун делегациямиз учун сермахсул ўтиб, спортчиларимиз 5 та олтин — Омадбек Отабеков (таэквондо WT, -63 кг.), Асадбек Турдибоев (муайтай, “U15”, -51 кг.), Музаффар Норхўжаев (муайтай, “U17”, -54 кг.), Паризода Талабова (енгил атлетика, найза улоқтириш), Анастасия Силченкова (енгил атлетика, 3000 метр) медални қўлга киритди.

Шу билан бирга, ҳамюртимиз Асадбек Самандаров (таэквондо WT, -55 кг.) кумуш медалга эга бўлди.

Муса Аймуратов бронза медални қўлга киритди

Туркиянинг Истанбул шаҳрида “Istanbul Satellite” турнири давомида қиличбозликнинг сабля йўналиши бўйича “Sat” таснифдаги мусобақа ўтказилди.

Унда иштирок этган Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларидан Муса Аймуратов бронза медаль билан тақдирланди.

Ҳамюртимиз саралашда Австрия, Туркия ва Италия вакиллари, чорак финалда терма жамоамизнинг бошқа бир вакили Сардор Абдуқаримбековни мағлубиятга учратди. Бироқ яримфиналда мезбон спортчилардан бирига имкониятни бой берди ва учинчи ўринни эгаллади.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жағмармаси Республика бошқаруви жағмарининг Бухоро вилояти бўлими раиси Самойдин Қосимович Хусенова турмуш ўртоғи Муҳаббат Шамсиддинова МУҲАМЕДОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

илмий-тадқиқот муассасалари тасарруфидаги таянч докторантура ва докторантурага 2026 йил учун қуйидаги илмий йўналишлар бўйича

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ:

- физика-математика ва техника;
- табиий фанлар;
- ижтимоий-гуманитар фанлар.

Қабулға тегишли барча зарур маълумотлар ва талаблар билан Фанлар академияси илмий-тадқиқот муассасалари, илмий ишлаб чиқариш бир-лашмалари ва марказлари ҳамда минтақавий бўлиmlарида танишиш мумкин.

Ҳужжатлар 2025 йилнинг 5 ноябрга қадар қабул қилинади.

Таянч докторантурага кириш имтиҳонлари ва докторантура учун суҳбат 2025 йилнинг 5 — 25 ноябрь кунлари бўлиб ўтади.

Таянч докторантурага кирувчилар **мутахассислик** фанидан имтиҳон топширади.

Таянч докторантурага кирувчи номзодлар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

— олий таълим муассасаси магистратураси дипломи ёки магистр даражаси жорий этилгунча олинган олий маълумот тўғрисидаги дипломга эга бўлиш;

— муайян илмий натижаларга, шу жумладан, диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган, илмий журналлар ва нашрларда чоп этилган **камида битта илмий мақола** ва илмий-амалий конференцияларда тегишли илмий йўналишлар бўйича илмий ишлар тўпламларига киритилган **иккита маъруза-тезисга** эга бўлиш;

— хорижий тилларни билиш даражасини белгилловчи миллий ёки унга мос даражадаги халқаро сертификатга эга бўлиш;

— замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан, шу жумладан, интернетдан фойдалана олиш.

Докторантурага кирувчи номзодлар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

— фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ёхуд уларга тенглаштирил-

ган хорижий давлатларда олинган илмий даражалар;

— фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ёхуд уларга тенглаштирилган бошқа **илмий даражалар олингандан сўнг** муҳим илмий ютуқларга эришиш, шу жумладан, фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий журналларда чоп этилган **камида учта илмий мақолага** ҳамда илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва тегишли илмий йўналишлар бўйича илмий ишлар тўпламларида **камида иккита тезисга** эга бўлиш;

— хорижий тилларни билиш даражасини белгилловчи миллий ёки унга мос даражадаги халқаро сертификатга эга бўлиш.

Бошқа шахарлардан келган мутахассислар ётоқхона билан таъминланади.

Қўшимча маълумот ва қабул квоталарини
www.academy.uz сайтидан олиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар:
71-233-59-46, 71-236-77-07.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1042. 10 601 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; **копибаст** 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.



Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бекмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жихатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Алиқулов. Мусахҳис — С. Исломов.

“Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 01.46 Топширилди — 02.45 1 2 3 4 5 6

Ўтган ҳафта Ўзбекистоннинг икки манзили — қадимий Хоразм вилояти ва пойтахт Тошкентда «Туркменистон маданияти кунлари» тадбирлари бўлиб ўтди.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши